

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕЪМОРЧИЛИК-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

Султанова Мунира Намазбаевна

**«Архитектура» йўналиши бакалаврларига
«Ландшафт архитектураси» фанидан
ўзбек тилида янги ўқув қўлланма яратиш услубини
тадқиқ этиш**

5A580104 - «Ландшафт архитектураси» мутахассислиги бўйича

Магистр даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Иш кўриб чиқилди ва
химояга рухсат берилди.
№__ Баённома 2009 йил__ июль.
“Ландшафт Архитектураси”
кафедраси мудири,
Проф. Уралов А. С.

Илмий раҳбар: профессор
__Уралов А.С.

Илмий маслаҳатчи: Сам. Вил. Арх.
бош бошқармаси раисининг
муовуни
Тўрақулов Ш.Т.

“ ” 2009

САМАРҚАНД - 2009

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. Ландшафт архитектурасининг қисқача тарихи. Миллий боғлар ва уларга хос хусусиятлар	10
1.1. Дунёнинг энг қадимги боғлари.....	10
1.2. Ўрта аср Эрон боғлар.....	14
1.3. АмирТемур ва темурийлар даври Марказий Осиё боғ-саройлари ва хиёбонлари.	17
1.4. Миллий боғларнинг турлари ва уларга хос хусусиятлар.....	25
II-БОБ. Ландшафт архитектураси объектларининг замонавий типологияси	31
2.1. Замонавий парклар ва уларнинг турлари (кўп функцияли парклар, махсус парклар).	31
2.2. Мўъжаз боғ ўсимликлари, йўлаклар.....	37
2.3. Бульварлар, скверлар.....	39
2.4. Қўриқхоналар, қирғоқлар, пляжлар.....	42
III-БОБ. Ландшафт архитектурасининг назарий асослари	46
3.1. Ландшафт архитектурасининг таркибий қисмлари.....	46
3.2. Дарахт ва буталардан тузилган ландшафт композициялар (тасниф тизими).	48
3.3. Лианлар ва гулзорлар (турлари ва тузилган композициялар).....	54
3.4. Ландшафт архитектурасида рельефнинг ўрни ва ер геопластикаси.....	59
3.5. Мўъжаз меъморий шакллар, ташқи ободонлаштириш элементлари.....	61
IV-БОБ. Ландшафт архитектураси объектларини лойихалаш билан боғлиқ масалалар	66
4.1.Ландшафт архитекторларининг фаолият турлари.....	66
4.2.Ландшафтни композициявий режалаш (мунтазам ва эркин табиатли).....	69
4.3.Лойихалашда қабул қилинадиган шартли белгилар.....	71
4.4.Паркларни лойихалашда қилинадиган ишлар.....	73
4.5. Ландшафт архитектурасида сув ва сув объектлари композициялари.....	80
Умумий хулоса ва таклифлар	85
Фойдаланилган адабиётлар руйхати	88

КИРИШ

*Ландшафт- ўз қонун-қоидалари
бўлган тирик организмдир.*

(<http://www.landstyle.ru/>)

Диссертация мавзусининг долзарблигини аниқлаш.

Меъморчилигимизнинг жойлардаги ривожига, Республикамизнинг юраги – Тошкентда мустақиллигимиз Бош меъмори, юртбошимиз ташаббуслари билан яратилаётган шаҳарсозлик, меъморчилик ва ландшафт архитектураси намуналари андоза бўлмоқда. Президентимиз қарорлари билан қатор алломалар ва тарихий шаҳарлар юбилейларини ўтказиш тадбирлари асосида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Қарши, Шаҳрисабз, Наманган, Марғилон, Қува шаҳарлари таниб бўлмас даражада ободонлаштирилди ва кўкаламзорлаштирилди [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Жахон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мазкур диссертацияда Ландшафт архитектурасининг иложи борица тежамли иқтисодий ечимларини излаб топиш, аҳоли учун қулай ва осон бўлган жойларга жойлаштириш кўзда тутилган [4].

Мирзо улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан 1994 йилда Самарқанд шаҳар ҳокимлигида шаҳар марказини ривожлантириш бўйича тақдим этилган лойиҳани кўриб чиқиш пайтида Президентимиз шаҳримизни айрим қисмларга бўлиб ободонлаштирмасдан яхлит концепция асосида бош план тузиш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Бугунги кунда ушбу концепция устида А.С. Уралов бошчилигида ландшафтчи меъморларимиз ишлашмоқда [6].

“ЛАНДШАФТ архитектураси” очик атроф мухитлар меъморчилигининг ажралмас қисми бўлиб, унга ҳозирги кунда кўпроқ

эътибор бермоғимиз лозим. Ландшафт архитектураси термини илк бор тахминан 100 йил олдин Америка Қўшма Штатларида қўллана бошлаган. Лекин бу, қадим даврларда ландшафт меъморчилиги бўлмаган деган фикрга олиб келмайди. Ландшафт шаҳарсозликда қадимий антик даврлардан бошлаб қўлланилган. Фақат ландшафт сифатида эмас, балки хусусий боғлар ўз мақсадларида, яъни утилитар маданийлаштирилган, парвариш қилинган. Кейинчалик, илк бор Мисрда осма боғлар, Греция-Римда асосан виллаларни безаш, боғдорчилик санъати ривожланган. Борокко даврига келиб, Андре Ленотр тарихда боғ-паркчилик бўйича ўз ишининг энг яхши устаси деб танилди. Унинг асарларига Во-ле-Виконт боғи, Версаль боғ мажмуаси кабиларни мисол келтиришимиз мумкин [21].

Осиё мамлакатларида эса шу пайтларда “парадиз”, “чорбоғ”, “чорчаман” каби боғлар мавжуд бўлган. Кўпчилик хукмдорлар ўз ғалабасидан сўнг “рамзий” боғ яратишган.

Хуллас, ҳар бир мамлакатда ўз муҳитига, ўсимлик дунёсига мос равишда ландшафт тараққий этган. Биз айтмоқчи бўлганимиз, ана шу боғ, парк, ландшафтларнинг ҳозирги кундаги аҳволи қандай?

Ҳозирга келиб, ландшафт архитектурасининг турлари кўпайди. Ривожланган мамлакатларда “ландшафт архитектори”, “ландшафт дизайнери” каби соҳаларда махсус кадрлар тайёрланмоқда ва бу ишлар билан ўз ишининг мутахассислари шуғулланади. Ландшафт архитектураси партер композициялар, замонавий парклар, махсус парклар, гулзорлар, сув композициялари, ер геопластикаси, мўъжаз меъморий шакллари ўз ичига олади.

Ҳар бир лойиҳани амалга оширишда архитектор лойиҳалайди, ҳисоб-китоб қилади, инженер сметасини тузади. Шу билан бирга ландшафт ечимларини ҳам худди шу тартибда қилиш шарт. Яъни, атроф муҳитни, сув дунёсини, иқлимини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиб, тегишли

бўлган ўсимликми, бутами, дарахтми, умуман шу муҳитга мос бўлган барча флора ва фауналардан усталик билан фойдалана билиш керак.

Керакли жойларга керакли материалларни усталик билан қўллай билиш ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди. Бизда бу йўналиш анчагина орқада, ҳаттоки талаб даражасидан ландшафт ечими мавжуд бўлмаган жойлар ҳам йўқ эмас. Бу йўналиш бўйича ҳатто кадрлар ҳам етиштирилмайди. Ахир ландшафтни безаш, ташкил қилиш, яратиш оддий бир номига боғбон ёки малакасиз мардикорлар қўлида қолганлиги бунга кўр-кўрона ёндашаётганимизни англатмайдими? Сўнгги йилларда тегишли олий таълим муассасаларида “Ландшафт архитектураси”, “Ландшафт дизайни” каби бакалавриатура ва магистратура таълим йўналишлари очилганлиги қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон табиий муҳитини, иқлимини яхши ўрганиб чиққан ҳолда, бизнинг қуруқ иқлимимизга мос келувчи, сув танқис бўлган жойларимизда ҳам яхши ўсадиган ўсимлик, гул, дарахт, ҳайвонот дунёсини, йўқолиб бораётган табиат неъматларини қайта тиклаш, яратиш ва амалда шаҳарсозликнинг, бошқа ҳам олиш зоналарига қўллашимиз зарурдир. Бизнинг мамлакатимиз ландшафтида ҳам яхши, намунали парк хиёбонлар йўқ эмас. Жиззах шаҳридаги (Ўрдада) ёшлар экологик хиёбони қурилмоқда. Бу жойда тарихда қалъа бўлган. Боғда асосан, япон сакураси, каштан, чинор экилиши назарда тутилмоқда [5].

Тошкентдаги Мустақиллик майдонининг ландшафти, “Аква парк”, “Япон боғи”, “Дисней ленд” ва бошқалар республикамызда ландшафт архитектурасининг тўғри йўлдан бораётганлигини билдиради. Балки қадимги айрим паркларни, аجدодларимиз яратган боғларни қайта тиклаш керакдир. Масалан: Самарқанддаги Амир Темури боғларидан бирини ўша даврнинг боғ намунаси сифатида реконструкция қилиш мумкин. Мустақиллигимиз меъморчилигида шахсан И.А.Каримов ташаббуси билан қисман бир қатор, масалан, Амир Темури ва темурийлар даври меъморий анъаналари қайтадан

тикланди, Амир Темур ва темурийлар боғ-роғ меъморчилигидаги чорбоғ, чорчаман, декоратив яшил майдон ва шакллар, сув ҳавзалари яратилди.

“Ландшафт” атамаси (немисча – “landshaft”) – типологик табиий комплексларни умумлаштирувчи тушунча бўлиб, у геологик замин, рельефи, иқлими, тупроқлари, ўсимлик туркуми, ҳайвонот дунёси, гидрологик режимининг бир хиллиги билан ажралиб турадиган ва маълум чегараларга эга бўлган ер ҳудудини билдиради.

Ўзбекистонда “замонавий ландшафт” билан 1960 йиллардан буён шуғулланила бошланди [19].

Ландшафт соҳасида бажариладиган ишлар асосан қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1) Худудлар ландшафтини ташкил этишнинг макро даражаси

Ушбу босқичда амалга ошириладиган ишлар таркибига: табиат ландшафтини ҳимоя қилиш ва ландшафтни лойиҳалаш, табиатан қўриқланган, қишлоқ типдаги, қишлоқ хўжалиги, саноат, табиий – техник, ва техник ландшафтлар кирази.

2) Худудлар ландшафтини ташкил этишнинг мезон даражаси. Ушбу босқичда амалга ошириладиган ишлар: шаҳар ва унинг атрофларини табиий каркас муҳофазаси ва ландшафт лойиҳалаш, яшил ҳимоя чизиғи, шаҳарнинг кўкаламзорлаштириш тизими, таркибида: боғлар ва хиёбонлар, скверлар, майдонлар, бульварлар, қирғоқ бўйи ва пиёда кўчаларини ташкил этади.

Бу босқичда ландшафт дизайнининг қуйидаги муҳим элементлари вужудга келтирилади:

ўсимлик дунёси, сув мосламалари, йўлак тўшамалари, кичик меъморий шакллар, бадиий-декоратив шакллар, хиёбон мебелли, муҳандислик-техник ободонлаштириш мосламалари ва бошқалар. Ландшафт барча географик комплексларни –ландшафт қобиғи ва географик минтақалардан тортиб энг кичик комплексларгача, яъни ландшафт, жой бўлган комплексларни ўрганади. Кейинги йилларда Мустақил республикамизнинг кўплаб шаҳар ва

қишлоқларида ободонлаштириш ишлари олиб борилмокда. Республикамиз истиқлол давридаги боғ-санъат анъаналари қайта тикланиши билан бирга, бу фан бўйича мутахассис тайёрлаш лозимлиги аён бўлиб қолди [18]. Мавзунинг долзарблиги шундаки, Ландшафт архитектураси фани бўйича электрон дарслик ёзиш давр талаби ҳисобланади.

Муаммонинг ишлаб чиқилиш даражаси

Ландшафт архитектураси соҳасида асосан Россия тадқиқотчиларидан Вергунов А.П., Денисов М.Ф., Ожегов С.С., Заллеская Л.С., Микулина Е.М. илмий тадқиқотлар олиб боришган. Ушбу соҳа Ўзбекистонлик меъморларимиз Уролов А.С., Рахимов К.Ж., Адилова Л.А., Д. Латипов ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилган. Бироқ, бу соҳа биз учун янги йўналиш бўлиб, у бўйича махсус чуқур тадқиқотлар олиб борилмаган ҳолда ўзбек тилидаги адабиётларнинг ўқув қўлланмалари мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, мазкур диссертация устида ишлашни лозим топдик.

Диссертациянинг мақсади ва вазифалари

Мавжуд тарихий, илмий маданий манбаларни тадқиқ этиб, Ландшафт архитектураси ва дизайни тарихини илмий ўрганиб, унинг истиқболдаги ўқув қўлланмасини яратиб беришдан иборат.

Ландшафт архитектурасининг асосий мақсади – яшаш муҳитининг экологик, эстетик ва функционал сифатларини уйғунлаштиришдан иборатдир.

Асосий вазифалари: табиат ландшафтини химоялаш; маданий ландшафтларни қайта тиклаш; янги ландшафтларни яратиш.

Диссертациянинг предмети

Ландшафт архитектураси ва дизайни фанидан электрон дарслик яратиш. Ландшафтнинг асосий тадқиқот методи, бевосита жойда кузатиш, табиий комплексларни картага тушириш. Ландшафтлар таърифи миқдор ва сифат кўрсаткичларига асосланади. Ландшафт табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга ёрдам беради.

Тадқиқот объекти

Ландшафт архитектураси, дизайни ва уларнинг меъморий ечимлари. Ландшафт, унинг тузилиши, компонентлари, таркибий қисмлари, тадқиқот методлари ва улар асосида яратилган электрон ўқув қўлланма.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги

Диссертацияда илк бор “Ландшафт архитектураси” фани бўйича ўзбек тилида ўқув қўлланма яратиш услубини тадқиқ қилинди ва ушбу фандан электрон дарслик яратилди.

Тадқиқотнинг илмий амалий аҳамияти

Мазкур диссертациянинг илмий амалий аҳамияти шундаки, ушбу тадқиқотлар натижасини талабалар ва мутахассислар учун услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг синови (апробация) дан ўтиши.

Илмий тадқиқот натижалари Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтида 2009 йилда бўлиб ўтган Ёш олимлар, иқтидорли талабалар, магистрлар, аспирант ва тадқиқотчилар илмий конференциялари ва архитектура факультетининг илмий-услубий семинарларида илмий доклад (маъруза) тарзида эълон қилинган ва муҳокама қилинган.

Диссертациянинг таркиби.

Диссертация – мундарижа, кириш, 1боб, 2боб, 3боб, 4боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат.

Мундарижада – кириш, боб ва параграфлар номлари ва уларнинг жойлашган саҳифа бетлари кўрсатилган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, амалий, илмий янгилиги, тадқиқот объекти, предмети ва диссертация таркиби қисқача ёритиб берилган.

Диссертациянинг асосий қисми – 1бобда асосан Ландшафт Архитектурасининг қисқача тарихи ва миллий боғларга тўхталиб ўтилган. Унда Эрон, Миср, Темур боғлари ва миллий боғлар ҳақида гап кетади.

2боб Ландшафт Архитектураси объектларининг типологияси, замонавий парклар, мўъжаз боғлар, булбвар, скверьлар, қирғоқ бўйлари, пляжларга қисқача тўхталиб ўтилган.

3боб Ландшафт Архитектурасининг назарияси асослари. Буларга ландшафт яратишда, лойихалашда қўлланиладиган ландшафтнинг манбаъси ҳисобланган яшил дунё, сув дунёси, ҳайвонот дунёси, жой рельефи ва мўъжаз меъморий шакллар ўрин олган.

4боб Ландшафт Архитектурасини лойихалаш билан боғлиқ масалалар. Бу охириги бобда юқорида ўрганиб чиқилган бутун Ландшафт Архитектурасини қандай лойихалаш, қилинадиган ишлар, Ландшафт Архитекторларининг фаолияти, шартли белгилар, сув ва сув объектлари чизма ва изоҳлар билан кўрсатиб берилган.

Ҳар бир бобда тушунарли бўлиши учун 7та жадвал, 70та расм ва схемалар билан бойитилган.

Диссертация иши сўнгида Умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар номи ва сони кўрсатилган. Адабиётлар рус ва ўзбек тилларида бўлиб жами 34тани ташкил этади.

Диссертация ишининг жами ҳажми 84 бет бўлиб, ундан 77бет матнни ташкил этиб, қолган қисмини илова, жадвал, мундарижа, адабиётлар эгаллаган. Низомга кўра диссертация иши А4 (21х29) формат қоғозда компьютерда 1.5 интервалда, 14 шрифтда ёзилган.

1- БОБ. Ландшафт архитектурасининг қисқача тарихи.

Миллий боғлар ва уларга хос хусусиятлар

1.1. Дунёнинг энг қадимги боғлари


Ҳар бир соҳа амалиётининг ўтмиши ва тарихи бўлганидек, ландшафт архитектураси ва дизайнининг ҳам ўз тарихи бор. Инсон жуда қадим замонлардан бошлаб ўзи яшаётган ва меҳнат қилаётган муҳитнинг гўзал, шинам ва қулай бўлишлигига эътибор берган. Бунда у табиий ландшафтни таркибий қисмлари: “яшил дунё”, “сув дунёси”, “хайвонот дунёси”, жой релефидан унумли фойдаланган. Биринчи боғлар дастлаб иссиқ мамлакатларда, қуёшнинг интенсив ёндирувчи нурларидан ҳимоя қилишни талаб этган жойларда: Миср, Оссурия, Бобил, Олд Осиё–Эронда пайдо бўлди.

Қадимги Мисрда Нил дарёси сув тошқинлари етиб бормайдиган баландликларда *терассали боғлар* ташкил қилинарди. Суғориш ва тупроқни озиқлантириш сунъий ҳолда эди. Суғориш манбаларининг жойлашишига қараб, мисрликлар ўз боғларига квадрат ёки тўғри тўрт бурчак шакл берганлар. Йириқроқ ва баланд дарахтлар тўсиққа яқин, боғнинг ўртасига ўртача катталиктаги дарахтлар, энг паст бўйли ўсимликлар эса боғнинг ўртасидаги ҳовуз атрофига экилган.

Мисрликлар учун дарахт муқаддас ҳисобланган ва ҳар бир ибодатхона ўз муқаддас дарахтига эга бўлган. Манбаларга кўра, катта ибодатхоналар жуда йирик мулкка эга бўлган. Энг таниқлиларидан Ментухотеп ибодатхонаси қошидаги боғлар ва малика Хатшепсут боғидир. Яна Клеопатра тўкин-сочин базмлар ўтказадиган боғ бўлиб, улар Рим боғларига намуна бўлиб хизмат қилади. Мисрликларнинг тасаввури бўйича пальмалар хўжайинига шодлик, смоковницалар – бойлик, эбен дарахти – бойлик ва бахт келтирган. Бу дарахтлар улар учун муқаддас ҳисобланган (1-расм).

Чиройли симметрик тарҳни таҳлил қилиб, турли дарахтларнинг диққат билан ўйланганлиги, мезоний алмашинишини, ҳовузларнинг нозик

шакллари кўриб, тан олиш керакки, ўша даврда боғ санъати тарихи остонасидан рационал режалаштирилган боғнинг юқори даражада ривожланганлигини кўриш мумкин. Миср боғлари текис рельефли боғлар ҳисобланиб, уларда иморатлар архитектураси иккинчи даражали рол ўйнаган. Лекин боғларда табиий – иқлимий шароитлардан келиб чиқиб, ҳовуз ва каналларни кўриш етакчи ўрин тутган (2-расм) [21].




1-расм. Қадимги Миср. Эдфудаги Гора ибодатхонаси ички ва ташқи муҳитининг ландшафт ечими. Эрамизгача XV аср. Ибодатхона дарвозасидан сфинкслар хийбони бошланган, дарахтлар экилиши мунтазам режага асосланган.

Дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган «Осма боғлар» нафақат Қадимги Бобилнинг, балки бутун Шарқнинг ҳам ландшафт меъморчилиги ва дизайнидаги энг гўзал намуналаридан бири бўлган. Бу боғлар Фрот дарёсининг соҳилида жойлашган бўлиб, Геродотнинг фикрича, Оссирия қироличаси Семирамида (эрамизгача IX аср) номи билан боғланган. Семирамида боғлари араб республикаси Ироқда жойлашган. Боғдод яқинида олиб борилган археологик қазишмаларга кўра у ердан тошдан ясалган шер,

тўсиқлар ва хосилдорлик ибодатхонаси топилган. Қазилмалар натижасида археолог Роберт Кольдевей 1899-1917 йиллар шаҳар муҳофазаси, шох саройи, Мардука худоси ибодатхона комплекси, бир қатор бошқа ибодатхона ва турар жой хоналари топилган. Подшоҳ саройларидан бирини Геродотнинг ёзганларига қараб “осма боғ” деб ҳисоблаш мумкин. Бу иншоотнинг фақатгина ер тўласигина сақланиб қолган бўлиб, манбаларда ёзилган маълумотларга мос тушади [29].

Тарихчи Страбон эса бу боғларни шоҳ Навуходоносор (эрамизгача 605-562 йиллар) ўзининг Мидиялик севиқли хотини Никотрисса учун курдирган деб ёзган. Боғлар дастлаб малика Семирамида (аслида Шамурамат) даврида қурилган, кейинчалик эса Навуходоносор томонидан ривожлантирилиб қайта ишланган бўлиши мумкин.


Тўрт қаватлик баланд тепага секин-аста қисқариб боровчи поғопасимон «осма боғлар» биринчи қаватининг ўлчамлари 45х40м ни, иккинчи қавати эса 40х30 метрни ташкил қилган. Ҳар бир қаватнинг соф баландлиги 5 метрга яқин бўлиб, бир қаватдан иккинчисига оқ ва қизғиш ранглик мрамардан ишланган кенг зиналар орқали чиқилган. Нақшинкор



2-расм. Қадимги Миср. Фива амалдорларининг уйи ва боғи. Эрамизгача ХУ-ХІУ асрлар деворий сувратидан парча.

устунларга таянган равоқлар устидан ғишт, унинг устидан мураккаб таркибли елим-қатрон, ичига эса ҳозирги цементга ўхшаш лой тўлдирилган чий тўшалиб, яна ғишт терилган ва ниҳоят сув ўтмасин деб яна қатрон ва кўрғошин қуйилган. Ҳар бир қаватга мана шу тарзда «замин» ҳозирланганидан сўнг устидан улкан дарахтлар ўсадиган даражада унумдор тупроқ катлами ётқизилган. Боғ учун дунёнинг Мағрибу-Машриғидан энг нодир ва кўркем дарахт кўчатлари, буталар, анвойи гуллар келтириб

экилган. Боғлар Фрот Дарёсидан чархпалак ёрдамида чиқарилган сув билан суғорилган. Ҳар бир қаватга фавворалар, қаватлараро шаршаралар ишланган. Қаватларни кўтариб турувчи йўғон устунлар ичи бўшлиқ бўлиб, уларга тупроқ солинган ва дов-дарахтлар экилган. Дарахтлар табиий тартибда, яъни юқори қаватларга дов-дарахтлар, пасти поғоналарга эса пастқамлари экилган (3-расм).



3-расм. Қадимги Вавилондаги Семирамида «осма» боғлари. Реконструкция. Эрамизгача VII-VI асрлар. Семирамида Ассирия подшолигининг афсонавий маликаси. У эрамизгача 809-806 йилларда подшолик қилган тарихий шахс -малика Шамураматга қийсланади. Боғларнинг «осма» деб аталишига сабаб, уларни кўтариб турувчи сунъий асосларга жойлашганидир. Боғларнинг йили ҳақида яхлит фикрлар йўқ, бироқ археологик қазилмалар уларнинг Вавилон подшоси Навуходоносор II (эрамизгача 605-563 йиллар) қурдирган Жанубий сарой ансамбли таркибига қирганлигини кўрсатади.[23]

Ассирия ва Вавилонга палма, кипарис, кедр, шамшод, чинор ва эман дарахтлари қадимдан хос бўлган. Боғнинг энг юқори қаватига гўзал ва нафис кўшк-сарой ишланиб, ундан бутун шаҳар хусни, боғнинг қуйи қисми, Фрот дарёсининг суви ва соҳили кўриниб турган. Қаватлардаги устунлар орасидан бўшлиқлар безатилиб усти ёпиқ оромгоҳ айвонлар тарзида хизмат қилган.

Шарқ халқлари ландшафт меъморчилиги ва дизайнининг яна бир ажойиб намунаси қадимги Иерусалимдаги шоҳ Соломон (эрамизгача X аср) саройи қошидаги боғлардир. Манбаларда келтирилишича, сарой қошида

ажойиб балзам боғи бунёд этилиб, унда қимматбаҳо хушбўй ўсимликлар ўстирилган. Шоҳнинг оромгоҳларидан бири павилон кўринишида қурилган. Уни турли хил дарахтлар ва металдан ишланган ғаройиб ўсимликлар беаган. Дарахт ва ўсимликлар сарой деворларини бутунлай ёпган, шоҳлардаги барглари эса шунчалик гўзал ва нозик ишланганки, гўё улар доим елпиниб тургандек кўринган. Ушбу ландшафт меъморчилигининг ўзига хос беаги табиий жимжимадорлиги ва ранги-рўйи билан кишида аажойиб таассурот қолдирган. Бошқа манбалардан яна шу маълумки, Соломон саройининг тўртта нақшинкор ҳовлиси ва боғлари бўлиб, улардаги ҳовузларда балиқлар сузган, боғда манзарали палма ва сарв дарахтлари, анор, узум ва бошқа меваги дарахтлар ва гуллар ўстирилган. Боғда товуслар, кабутарлар ва бошқа турли нафис қушлар сақланган [21].

1.2. Ўрта аср Эрон боғлари

Қадимги Эрон ва Суғдиёнада давлат томонидан ташкил этилган махсус боғ-қўриқхоналар мавжуд бўлиб, уларда турли ҳайвонларни сақлаш, урчитиш ва ов қилиб дам олиш учун зарур шароитлар яратилган. Булоқлар, дарахтзорлар ва ўрмонзорларга ғарқ бўлган бундай боғлар истеҳкомлар билан ўралиб, ов қилиш учун махсус буржлар ва қулай жойлар қурилган.


Аҳамонийлар даврида (милоддан аввалги VI-IV асрлар) бундай боғлар «парадиз» деб аталган. Бунда «пара» (атроф) ва «диз» (девор) -атрофи девор билан айлантирилган боғ маъносини билдирган. Искандар Зулқарнайнинг Суғдиёнадаги ана шундай боғларнинг бирида аскарлари билан ов қилиб дам олганлиги тарих манбаларида ёзиб қолдирилган. Бу боғлар ўзининг кенглиги, танланган ландшафти ва гўзал табиати билан ажаралиб турган.

Тарихчи Ксенофонтнинг ёзишича, Эрон шоҳи Кир яратган боғ мунтазам симметрик режавий ечимга эга бўлиб, ундаги хиёбонларни серсоя дарахтлар, хушбўй ўсимликлар, гуллар беаган. Боғда турли-туман манзарали ва меваги дарахтлар қўшилиб экилган, ариқлар ва шаршаралардан шарқираб сув оққан.

Эронни гуллар шоҳи атиргулнинг ватани деб бекорга айтилмаган. Атиргул боғларига «Гулистон» деб ном беришган. Ҳатто Эрон миллий эпосининг номи ҳам «Гулнома» («Атиргул ҳақидаги поэма») деб номланган. Эрон, нафақат атиргулнинг балки настарин, лолагул, чиннигул, наргислар ватани ҳамдир. Ёзишларича, қадимги Эроннинг пойтахти бир вақтлар Суза, яъни Лилия гулининг номи билан аталар экан. Умуман олганда, Эрон боғчилик санъати бутун Қадимги Шарқ боғларининг ривожига таъсир кўрсатган. Қадимги Шарқ боғчилик санъатининг эса дунёнинг кўпгина боғлари - Туркия ва Испанияда мавритан боғлари, Кримда татар хонлари боғларининг вужудга келишида ўзига хос ўрни бор.

Эрон шоҳи шоҳ-Аббос XVI-XVII асрларда пойтахт Исфаҳонни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида улкан Майдони-шоҳ хиёбонини ташкил этади. Унинг атрофини гўзал иморатлар билан безаб, яшил кўкаламзорлар, соябонлар бунёд этади.


Майдони-шоҳ Исфаҳон шаҳрининг янги жамоа маркази парк тарзида қурилиб, шимолдан жанубга қараб 510 м, эни 165 метрлик мунтазам режали



Исфаҳон. «Шаҳар-боғ» миллий меъморий ландшафт ансамбли, XVII аср. Шаҳар-боғ ўрта аср Шарқ ландшафт архитектураси меросининг энг гўзал намуналаридан бири ҳисобланади. Унда Шарқ халқлари меъморий боғларига хос хиёбон ва чорбоғ услубларининг муштарак ечими топилган ва шаҳар очик муҳитлар ландшафтига жорий этилган

улкан очик кўкаламзор майдонни ташкил қилади. Майдон атрофи занжирқатор дўконлар равоқлари билан чегараланган. Ичкари равоқлар ёнидан соябон дарахтлар экилиб суғориш учун ариқ ўтказилган. Майдон узра текис майсазор ташкил этилиб, у миллий маросимлар, тантаналар ўтказишга ва чавгон ўйинига мўлжалланган. Майдони-шоҳни бунёд этиш тажрибаси ўрта аср меъморлари ва шаҳарсозлигига Исфохоннинг қуруқ ва иссиқ шароитда анъанавий “чорбоғ” услубидан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади (4-расм).

Боғ-истироҳатчилик амалиёти Эронда муқаддас санъат даражасигача кўтарилган. Боғнинг соёпар дарахтлари, гулзорлари, ҳовузлари ва зилол оқар сувлари гўёки жаннат рамзини ифодалайди. Эрон боғларида қатъий мунтазам тартибот, симметрия ва уйғунлик мавжуд. Тўғри бурчаклар асосида қурилган боғнинг марказий ўқида бош ва ёнбош хиёбонлар кесишган, марказда боғ саройи ва ҳовуз жойлашган, аксарият боғларда сарой сунъий тепалик устига қурилган, чортараф эса зилол сувга тўла кенг каналлар билан чегараланган. Каналларга бош хиёбон бўйлаб ўтказилган ўқарик келиб қўшилган: ундаги фавворалар ва ҳовузлардан сув тизгини отилиб турган. Ҳовузларга сарой устунлари ва дарахтларнинг акси тушиб турган. Ҳовузлар шакли турлича: квадрат ва тўғри тўртбурчакдан хоч шаклигача, олти ва саккиз қиррадан мураккаб гулчаноқча кўринишларда бўлган. Қияликда жойлашган



5-расм. Шарқона миллий гилам.
Эрон, XVII аср. Гиламда чорбоғ гоёси ифодаланган бўлиб, ўртадаги “жаннат булоғи” ва аригидан дунёнинг турт тарафига ҳаётбахш сув таралмоқда. Чорбоғдаги тўртта боғда саройгоҳлар, мевали дарахтлар, чаманзорлар, чаманзорларда эса мўъжаз гулзорлар кўрсатилган.

боғлар поғоналарга бўлиниб, сув юқоридан пастга шалола бўлиб оққан, Ҳовузлар ва каналлар мрамрдан, зиналар эса тошдан ишланган, айрим ҳолларда асосий ҳовузлар мовий рангли кошнлар билан безалган. Бунга мисол қилиб ўша даврларда тўқилган гилам нусхасини келтиришимиз мумкин (5-расм).

XVII-XVIII аср Эрон боғ-истироҳатлари ичида Исфакон шаҳри ёнида Зандеруд дарёси бўйида бунёд этилган Ҳазори Жериб боғи ва Каспий денгизи соҳилида қад кўтарган Эшреф боғлари ва саройлари эса олинади. Эшреф бир неча боғ ва боғсаройлардан таркиб топиб, улардан асосийлари - Боғи-шоҳ, Боғи-чашма ва Боғи-соҳиб-замонлар денгиз соҳили қияликларида поғоналар ва шалолалар тизимини шакллантирган [21].


Эронда гул ёғлари қадимдан тайёрлаб келинган. Уларни тайёрлашда асосан оқ ва пушти рангли атиргул баргларида фойдаланилгандир. Тайёр маҳсулотни дунё бўйлаб савдо – сотиқ қилишган [22].

1.3. АмирТемур ва темурийлар даври Марказий Осиё боғ-саройлари ва хиёбонлари

Ландшафт архитектураси ва дизайни, боғлар бунёд этиш ва уларга оройиш бериш санъати Марказий Осиёда жуда қадим замонлардан бошлаб шаклланиб келган. Бунга Марказий Осиёнинг ўзига хос иқлими, серқуёшлиги, узок иссиқ ёзнинг ўткир таъсиридан сақланишга қаратилган ҳаракат ҳам сабаб бўлган.

Херман Вамбери ўзининг “Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи” китобида Самарқандни мўғуллар истило қилганда бу ердаги “Уста боғбонлар узок Шарққа , муғуллар юртига юборилган эди”, деган фикрни билдиради. Ана шу узок йиллар давомида Самарқанд ва Мовароуннахрда тўхтаб қолган боғчилик санъатини Амир Темур қайтадан ривожлантирди. Энди у кўрғонча кўринишидаги чорбоғлар ва шаҳар ичи майдонларидаги мўъжаз боғлар билан чегараланмасдан, шаҳар атрофларидаги хушманзара жойларда катта-катта

истироҳат боғ-саройларини ва улардаги турли хил гўзал оройишлар ва боғ зийнатларини авж олдирди.



6-расм. Чорбоғ. А- Г.А.Пугаченкова ишлаган реконструкция.

Б- Д.Нозилов ишлаган чорбоғ реконструкцияси.

Амир Тему́р бунёд этган боғ-саройлар ўзларининг кенг кўлами, хуш хавоси, гўзал манзаралари, эртақнамо сарой ва кўшклари, ғаройиб-ховуз ва фавворалари, беозор жонзотлари билан мўъжаз кўрғонча чорбоғлардан ажралиб турган. Аммо истироҳат боғлари ҳам кўрғонча-чорбоғлар каби атрофларидан баланд деворлар айлантирилиб, дарвозалар орқали кириб чиқилган. Тему́р бунёд этган айрим истироҳат боғларининг майдони жуда катта бўлиб, улар ичида серсоя дарахтзорлар, турли мевали боғ-ховузлар, гулзорлардан ташқари майсазор катта ўт-ялангликлар бўлган.

Тему́рнинг шаҳар Арки ичида Бустонсарой қошида мўъжаз чорбоғ ҳам ташкил этганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, манбаларда шахзода Муҳаммад Султон қурдирган мадраса (ҳозирги Гўри Амир) атрофида «Бир нечта уйни бузиб жаннат мисол бир боғча» яратилганлиги ҳам эслатиб

ўтилади. Келтирилган расмда чорбоғ кўринишини реконструкциясини кўришингиз мумкин (6-расм). Аммо, боғларнинг асосий қисми шаҳар атрофларида, хисордан ташқарида маҳобатли истироҳат боғ-саройлари тарзида бунёд этилган. Темурнинг ўзи ўндан зиёд шундай боғларга асос солган эди. Қуйида уларни санаб ўтамиз.

Боғи Нақши Жаҳон. Бу боғ XIV асрнинг 70- йилларида бунёд этилган деб тахмин қилинади. У Чўпон-ота қирлигининг жанубий этагидаги Обираҳмат ариғининг атрофларидаги ерларда жойлашган. Боғда зебу зийнатга бой ҳашаматли сарой ҳам қурилган.

Боғи Биҳишт. Темурнинг ёш хотинларидан бири Туман оқо учун 1378 йили шаҳарнинг жанубий-ғарбий тарафида бунёд этилади. Боғда сунъий тепалик устига оқ мраммдан ишланган кўшк тикланади.

Амирзода Шоҳрух боғи. Бу боғни 1394 йили Темурнинг кенжа ўғли Шоҳрух Мирзонинг Кавказорти юртларига қилган юришидан қайтиши шарафига қурилган деб тахмин қилинади. Шарафиддин Али Яздий ушбу боғни Самарқанднинг ғарб томонида, Чорраҳа дарвозасига яқин ерда жойлашганлигини ёзади.

Боғи Дилкушо. Шарафиддин Али Яздийнинг фикрича, бу боғ, Мовароуннаҳрнинг энг яхши боғларидан бири бўлган. Боғда маҳобатли ва мунаққаш гумбазли уч ошёнли кўшк-сарой ҳам қурилган бўлиб, у боққа садафдаги марварид каби эртакнамо чирой бериб турган. Айрим адабиётларда, ушбу боғ бизгача сақланиб қолган Ишратхона обидасининг атрофида қурилган, Ишратхонанинг ўзи эса ўша жаннатсимон боғнинг кўшки бўлган дейилади. Кўшк деворларида Амир Темурнинг Ҳиндистон юришидаги жанг манзаралари тасвирланган. Али Яздийнинг хабар беришича, боғ қурилиши 1396 йилнинг кузида бошланган. Боғ Темурнинг кичик хотини Тўкалхонимга атаб бунёд этилади ва ниҳоятда дилкушо ва кўркли бўлганлигидан «Боғи Дилкушо» деб номланади.

1404 йилнинг сентябрида Темурнинг қабулида бўлган испаниялик элчи Лун

Гонзалесде Клавихо бу боғда фавворадан сув отилиб, сув юзида қизил ва оқ олмалар калқиб турганлигини, боққа кириладиган дарвоза жуда кенг ва юксак, олтин ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилганлигини, боғда устига тахтиравон ўрнатилган олтита фил борлигини ёзади. Бу филлар, фикримизча, соҳибқирон ва унинг оила аъзолари ёхуд улуғ меҳмонларни кенг боғ бўйлаб сайр эттиришда улов вазифасини бажарган кўринади.

Боғи Шамол. Темурнинг набираси - Мироншоҳнинг қизи Бека Султон номига атаб Самарқанддан ғарб томонда барпо этилади. Боғда 1397 йили «дилни ром этувчи гўзал ва баланд қаср» ҳам қурилади. Қасрнинг тарҳи - лавҳасини Темурнинг ўзи кўриб маъқуллайди. Боғга «Шамол» номининг берилиш сабабини тарихчи олимлардан Ў.Алимов ва А.Бердимуродовлар шаҳарнинг ушбу, яъни ғарб томондан кўпроқ шамол эсиб турганлигидан деб тушунтирадилар. Меъморчилик доктори М.Булатов эса «шамол» сўзини «шамал» ўрнида кўриб, «шам» - шомлик, яъни суриялик, «ал»-алоқадорлик, демак «шам-ал», бу ном «шом-лик меъморлар қурган дегани» деб тушунтиради. Темур боғларини қуришда Суриядан, яъни Шомдан келтирилган меъморлар иштирок этган бўлишлари мумкин. Лекин Шарафиддин Али Яздийнинг хабар беришича, ушбу боғ қурилган жой, у бунёд этилмасдан олдин ҳам Боғи Шамол номи билан машҳур бўлган. Демак, боғ бу ерда илгаридан мавжуд бўлган боғлар асосида шакллантирилган.

Боғи Бўлду. Шаҳардан шарқ томонда Боғи Дилкушога яқин жойда ҳозирги Улуғбек номи жамоа хўжалиги ерида бўлган. Боғ саройи харобаларидан япроқларига олтин суви юритилган гулдаста нақшлар топилган. М.Булатов ушбу боғ номини «булду» эмас билди, яъни «Билимлар боғи (Боғи билди)», деб тушунтиради. Олимнинг фикрича, ушбу боғда Амир Темур сарой олимлари, уламолар ва шеърят намояндалари билан йиғилишиб, турли хил илмий баҳслар, шеърят кечалари ва суҳбатлар ўтказиб турган.

Боғи Баланд. Ушбу боғ Чўпонота тепалигининг ғарбида, тахминан, ҳозирги аэропорт ва автосарой ҳудудида жойлашган. Боғда алоҳида анжирзор, узумзор, олмазорлар бўлиб, улар боғ манзарасига ўзига хос хусн кўшган.


Боғнинг ўртасида юксак маҳорат билан барпо қилинган кўшк қад ростлаб турган, боғнинг атрофи баланд девор билан ўраб олинган, фақат шимолий томони Зарафшон дарёсининг қирғоклари билан чегараланиб турган.

Боғи Давлатобод. Самарқанд-Шаҳрисабз йули устида Боғи Дилкушо билан Боғи Жаҳоннамо оралиғида жойлашган. Амир Темур ўз юришларидан қайтиб келиб, шу боғда хордиқ чиқарар экан. Боғда олти та турли ҳовуз бўлиб, улар ариқлар билан туташтирилган. Ҳовузларни турли паррандалар, боғни эса нафис ҳайвонлар, товуслар беаган. Боғ саройи сунъий баланд тепалик устига қурилган бўлиб, ундан атрофдаги гўзал хушманзара жойлар кўриниб турган (7-расм).

Боғи Чинор. Боғда дов-дарахт, чинорлар кўп бўлганлигидан шундай деб ном олган. Самарқанддан шарқ томонда, Дарғом ариғи атрофида ҳозирги Хўжа қишлоғи ёнида жойлашган, Ушбу боғдаги сарой ҳам сунъий тепалик устига қурилган.

Боғи Жаҳоннамо. Бу боғда дунё иқлимига хос мевазорлар бўлиб, уни боғ-ойна ҳам дейишган. Боғ Самарқанддан анча жанубда, Ургут тоғлари этакларида жойлашган.

Боғи Зоғон. Самарқанддан шарқда қадимий Панжикент карвон йўлининг устида Кўчаи хиёбон мавзеидаги боғ. Ҳозир ушбу боғ ўрнида шу ном билан аталувчи қишлоқ мавжуд.



7-расм.


Самарқанд. Амир Темурнинг Давлатобод боғидаги сарой жойлашган тепалик, XV аср. Режаси ва қирқими. У.Алимов реконструкцияси. Сарой сунъий тепалик устига қурилган бўлиб, чор атрофдаги зовурлар сув билан тўлиб турган. Саройга кўприк орқали ўтилган.

Боғи Майдон. Самарқанддан шимолда Афросиёб тепалиги билан Чўпонота қирлари ўртасида, ҳозирги Боғи Майдон қишлоғи ўрнида барпо этилган. М.Булатов ушбу боғ номидан келиб чиқиб, у чавгон ўйини учун мўлжалланган бўлган, деган фикрни илгари суради. Улуғбек ушбу боғда Чилсутун номли икки қаватли хашаматли сарой ҳам барпо этади.

Боғи Нав. Амир Темурнинг Самарқандда қурган боғлари ичида энг сўнггиси бўлиб, 1404 йили бунёд этилган. Самарқанд шаҳар деворига яқин, ундан жанубий ғарбда, тахминан ҳозирги дорилфунун хиёбони ва шаҳар марказий маданият ва истироҳат боғи ҳудудлари ўрнида жойлашган.

Тахти Қорача боғи. Бу боғ Шаҳрисабз йўлидаги Зарафшон тоғи доғони этагидаги анҳор атрофларида бунёд этилган, «Иморат қуришга яроқли ҳар бир жойнинг зое кетишини раво кўрмайдиган» Темур бу мавзеда ҳам боғ солмоққа фармон беради. Боғ ўртасига бир кўшк қурилиб, унга «Тахти Қорача» деб ном беради. Тахти Қорачанинг суви қахрабодек тиник, биллур каби тоза бўлган. Шуни

таъкидлаш керакки, бу гўшаларнинг эшиклари соҳибқироннинг ўзидан тортиб оддий шаҳарликкача барча учун очик бўлган. Темур бирор томонга отланиб Самарқанд кўшинларию ёрдамчиларидан холи бўлиб, бўстонлар бўш қолса, шаҳар ахлидан бадавлату мискинлар у (бўстон)ларга қараб йўл оладилар. Чунки бу боғлардан кўра яхши ва ажойиб дам оладиган, булардан кўра роҳатланишга осойиштароқ жой йўқ эди. Боғларда ширин, мазали мевалар эса барчага баробар эди». Боғлардан чиққан тароват ҳушҳаво жазирама



8-расм.

Самақанд шаҳри атрофида
Амир Темур бунёд этган боғ-
саройларнинг шаклий
жойлашуви, XIV-XV асрлар.

- а – Боғи-Баланд;
- б – Боғи Майдон;
- в – Боғи Нақши Жаҳон;
- г – Боғи Амир-зода Шохрух;
- д – Боғи Бўлди;
- е – Боғи Загон;
- ж – Боғи Дилқушо;
- з – Боғи Жаҳон Намо;
- и – Боғи Давлатобод;
- й – Боғи Чинор; к – Боғи Нав;
- л – Боғи Шамол;
- м – Боғи Биҳишт;
- н – Боғча (Улуғбек бунёд этган).

кунларда Самарқанд иклимини муътадил сақлаб турарди (8-расм).

Темур ушбу истироҳат боғ-саройларидан ташқари Шаҳрисабздаги Оксарой қошида, шунингдек Яссадаги Хожа Аҳмад мақбара мажмуасида ҳам гўзал ва мунаққаш боғлар яратган.

Темур ва темурийлар даврида Хуросон пойтахти Ҳиротда ҳам Самарқанд боғларига ўхшаш гўзал боғ-роғлар бунёд этилади. Ҳирот шаҳри атрофларида Темур даврига қадар ҳам маҳаллий зодагонлар қурган бир неча боғлар бўлиб, улардан Боғи Баланд, Боғи Зоғон, Боғи Сафед Шохрух даврида салтанатнинг ёзги қароргоҳи ва халқ сайиллари ўтказиб туриш учун фойдаланилар эди. Шохрух ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларида Боғи Сафед майдонини анча кенгайтириб, боғни қайта қуради ва унда ғаройиб тасвирий санъат асарлари билан зийнатланган мунаққаш боғ сарой бунёд этади (9-расм).

Султон Хусайн Бойқаро даврида Ҳирот атрофларида бир неча боғ-саройлар ва хиёбонлар мавжуд эди. Улар ичида энг йириги Хусайн Бойқаро бунёд этган Боғи Жаҳонаро ҳисобланган. Бу боғ салкам бир квадрат километр (100 гектар) жойга эга бўлиб, боғнинг




9-расм. Ҳирот. Темурийлар бунёд этган боғларнинг биридаги ёзги кўшк. XV аср миниатюрасидан

ўртасида маҳобатли баланд сарой қурилган. Сарой олдида гулзор, мевали ва манзарали ям-яшил дарахтлар билан безатилган чорбоғ ва чорчаман ҳамда хиёбон услубларида ташкил этилган тўртта боғ бўлган. Боғнинг шимолий тарафидаги кенг ҳовузнинг тўрт томонида тўртта зийнатли шийпон ва

камондан нишонга ёй отиб, машқ ва мусобақалар ўтказишга мўлжалланган махсус бино - садафхона ҳам бўлган. Боғда каторлаб экилган турли хил меваги дарахтлар, токзор, сарв, оққарағай, мажнунтол, чинор, шунингдек, турли-туман гулзорлар бўлган. Хондамирнинг хабар беришича, Навоий ҳам Ҳирот шаҳри атрофида бир неча боғ ва манзилгоҳлар бунёд этган Боғи Мурғоний Боғи-Сарипули Сангкашон (тош ташувчилар кўприги ёнидаги боғ), Боғчаи Шавкия (Дилкушо боғи), Боғчаи Гузургоҳ ва тахти Бобо Сухта манзиллари шулар жумласидан (10-расм) [21].

10-расм.

Ҳирот боғларининг биридаги Ховузи-Моҳиён, XV аср миниатюрасидан кўчирма. Марказий Осиё боғларида турли хил ёввойи ҳайвонлар, паррандалар, баликлар парваришланган. Улар боғ манзарасини янада бойитиб, унинг табиатига шарқона файз киритган.



Бобурий Шохжаҳоннинг катта қизи Жаҳоноробегим меъморчилик, ободончиликка бўлган қизиқиш, бобокалони Бобурдан қолган эди. У Аградаги жомеъ масжидининг тарҳини тузади. Дехли, Сурат, Амбала, Баҳол ва

Паникат шаҳарларида карвонсаройлар қурдиради. Кашмирда “Паримаҳал” (Пари саройи) номли ажойиб сарой бунёд этди [12].

Манбаларда кўрсатилишича, Бухорода “Малик Шамсумулк дарвозайи Иброҳим олдида кўп даромадли ерларни сотиб олиб, дарвозагача қарийб ярим фарсанг келадиган жойда гўзал боғлар барпо этди, иморатларига кўп хазина ва маблағлар сарф қилди ва у жойга Шамсобод деб ном берди ҳамда Шамсободга туташ қилиб подшоҳликка хос отлар учун бир ўтлоқ жой барпо этди ва уни кўруқ деб атади ва узунлиги бир мил миқдорида мустаҳкам девор билан ўраб, ичига бир қаср ва бир каптархона қурди.

Бу қўруқ ичида буғу, кийик, тулки ва айиқ каби ёввойи жониворларни сақлар ва уларнинг ҳаммаси қўлга ўргатилган эди. Қўруқ баланд деворлар билан ўралган бўлиб, жониворлар қоча олмас эдилар.” Кейинчалик, тахтга бошқалар ўтиргач Шамсобод бутунлай харобаликка юз тутди [10].

Бу маълумот ўз ўрнида Ўрта Осиёда биринчи ҳайвонот боғлари Бухорода вужудга келганини билдиради.

Хафиз Бухорий хабар беришича Хўжа Муҳаммад Ислом Жўйбори бобоси Абу Бакр мазорида мадраса ва мачит қуриб атрофини чорбоғ қилишни ўйлади. Бу учун у энг яхши меъморлар ва қурувчиларни йиғиб (965-1558й) қурилишни бошлади. Қурилиш 10 йилда тугаб битказилди. Унда чиройли ҳовузлар, ариқларида тиниқ сув, гулзорлар, аллеялар (асосан мажнунтол, чинор, арча, кипарис дарахтлари ишлатилган) ва мевали дарахтларнинг ҳамма тури мавжуд эди. Боғлар пахса деворлар ёки зовурлар билан айлантирилиб, асосан шаҳар ташқарисида жойлашган. Мевали дарахтлардан келадиган фойда анчагина бўлган. Боғ ва токзорлар махсус ишлаб чиқилган режа асосида тузилган. Шайх катта амалдорларнинг “жаннат боғлари” бўлиб, боғда кам учрайдиган ноёб дарахтлар, узум навлари, декоратив ўсимликлар, турли гуллар, тоғ кипарислари билан безатилган. Фақатгина Бухоронинг ўзида шайхларнинг 260 таноб ана шундай боғ ва токзорлари бўлган [9].

1.4. Миллий боғларнинг турлари ва уларга хос хусусиятлари

Миллий боғнинг бадиий образини шакллантиришда тарихий-миллий рамзларни қўллаш орқали яратилади.

Шуниси қизиқки, боғлар ҳар бир даврда ўзгача рол ўйнаган. Ўрта асрларда уларни ибодат ва диний суҳбатлар учун, уйғониш даврида рассом, олим, зиёлилар йиғилиб зиёфатлар ўтказиш учун қўлланилган. Романтизм давридаги боғлар меланхолик ва интимли учрашувлар учун жой сифатида

сақланиб қолган. Кўп асрлар давомида боғлар бой амалдорлар учунгина хос бўлиб келди. Чунки боғ бир неча гектарларни эгаллар ва ўнлаб боғбонлар хизмат қиларди. Бугунга келиб вазият бутунлай ўзгарди: кўпчилик ўзининг кичик бўлсада, ер майдонларига эга бўлиб, у ерда ўзининг “жаннат бурчаги”ни яратишга ҳаракат қилади (1-жадвал).

Ландшафт архитекторлари ўртасида боғни 2 асосий турга бўлишади: манзарали ва мунтазам. Биринчиси табиатга тақлид принципида бўлса, иккинчиси унга қарама-қаршидир [28].

Мунтазам боғлар — ушбу боғнинг ўзига хос жиҳатлари, мураккаб геометрик шаклдаги лойиҳалар бўлиб, жиддий тартибни эслатади. Конструктив жиҳатдан, бу йўлак ва терассаларнинг тўғри тўртбурчакли жойлашувидан иборат бўлиб, ўсимликлар ўсиши қатъий назоратга олинади. Ўсимлик, йўлак, ҳовуз ва бошқа элементлар ўқ чизиғи бўйлаб симметрик жойлашади. Дарахт буталар доим шакл бериб кесилиб турилади ва уй бино олди партъерли газон билан қопланади. Бу услубда француз, ўртаер ва яқин шарқ (Эрон) боғлари яратилади (11-расм).




11-расм. Мунтазам
режаланган боғ фрагменти

Манзарали боғлар — кўпинча уларнинг лойиҳалашда табиатнинг ўзи иштирок этадигандек туюлади. Кўринишдан манзара бироз қаровсиз ҳолатдагига ўхшасада, уларнинг жозибадорлиги ички тартиб ва қоидаларга бўйсунди. Акс ҳолда, бетартиблик юзага келиши мумкин. Қадим Англия Хитой, Европа боғларида XVIII-XIX асрдаёқ қўлланилган. Унда йўлаклар, кўлмакчалар, дарахтлар тўдаси ёввойи ўрмонни эслатади (12-расм) [28].



12-расм. Манзарали режаланган боғ фрагменти
(япон боғи).

Миллий боғнинг бадиий услублари



Итальян боғи

Апеннин тоғли яримороли ландшафт архитектурасида итальянча боғ услуги яратилишига сабаб бўлди. “Итальянча” деб – зиналар ва қияликлар, терассалар бўлган боғлар ҳисобланади. Терассали боғ нисбатан мунтазам



13-расм. Гарцони Вилласи, Италия

режага эга. Боғнинг ўнг ва чап томони одатда ўққа нисбатан симметрик ҳолатда бўлади. Итальянча ландшафтнинг индивидуал услуги ҳар доим яшил пирамидали кипарис ва зайтун дарахтидир (13-расм).

Француз боғи

Одатда боғ ўқ чизиғи марказининг элементи бўлиб, бутун боғдан ўтиб, ҳайкал ва фаввора, ўтиргичлар билан туговчи марказий йўлак ҳисобланган. Марказий перпендикуляр жойлашган йўлак боғни катта бўлмаган геометрик шаклларга бўлади. Йўлаклар ўткир чегараларга эга бўлиб, улар одатда паст ёки ўртача пасткам кесилган буталар билан чегараланади. Уй олдида эса ёрқин рангли гуллардан партьерлар экилади. Француз боғининг энг гуллаган даври борокко ва рококко даврига тўғри келди. XVII-XVIII асрларга келиб яшил лабиринтлар қилинади. Энг машхур француз боғларидан бири – Версаль бўлиб, архитетор Ленотр томонидан лойиҳаланган.

Инглиз боғи

Инглиз боғларида айланаркансиз сизда эркинлик, табиийлик туйғулари қамраб олади. Лекин бу алдамчи ҳолат: аслида унинг композицияси пухта ўйланиб, услуб яхши сақланган. Инглиз ландшафтида бўшлиқ йўқ, балки боғнинг ҳамма жойлари ўсимликлар,



14-расм. Инглиз боғи

ранг-баранг декоратив баргли дарахтлар, гулловчи буталар, миксбордерлар

билан тўлдирилган. Гулзорлари эса француз гулзорларидек ёрқин контраст эмас балки, нозик ва ўзига эътиборни кам жалб қилувчи гуллардан ташкил топган. Ариқчалар, ирмоқлар устида ярим айланасимон кўприкчалар бўлиб, сувга тушган акси билан биргаликда уйғун бир айлана шаклини беради. Инглиз боғлари сюрпризларга жуда бой (14-расм) [31].

Мусулмон боғи


Ўрта Осиё боғлари асосан 3га бўлинади.

Боғ- бир турдаги мевали дарахтлардан ташкил топган боғ (узумзор, токзор)

Чорбоғ- эса турли мевали дарахтлардан ташкил топган боғ.

Чакалак- сунъий йўл билан ўтқазилган мевали дарахтлар бўлмаган кичик ўрмон.

Эрон, Хиндистон шарқ мамлакатларида қадимдан сувга нисбатан бебаҳо неъматдек эҳтиёткорлик билан ёндашилган. Шунинг учун ҳам боғ марказига чиройли ҳовуз доминант қилиб ўрнатилган. Боғ рамзи бўлиб муқаддас ҳаёт дарахти афсоналарда айтилишича (Фаластинда-анор) Эронда бодом саналган. Мусулмон боғларини геометрик режа “чор-боғ” яъни бир неча квадратларга бўлиниши орқали осон ажратиш мумкин (15-расм) [22].



15-расм. Чорбоғ, хиёбон ва чорчаман
бунёд этилган истироҳат боғи. Ҳирот,
XV аср миннатураси

Япон боғи

Шарқ халқлари табиатга, унинг гўзаллигига ўзгача бир ҳурмат билан қарайдилар. Анъанавий Япон боғи, Хитой боғи дизайни ғоясини ўзига ўзлаштириб олган. Бунда ўсимликларни тошлар билан уйғунликда қўлланилган. Бундай боғларни лойиҳалашда тенглик тамойили ҳукмронлик

қилади. Ҳар бир элемент хоҳ у ўсимлик, сув ёки тош бўлсин, ўзининг рамзий мазмунига эга. Японлар учун боғ бу- кичиклаштирилган дунё моделидир. Боғлари тинчлик, сокинлик, фикрлаш, медитация учун мўлжалланган. Япон давлатининг орол ва тоғли рельефда жойлашганлиги тошлар миллий боғ



16-расм. Япон боғининг бир кўриниши

элементларига айланишига сабаб бўлган. Уларнинг фикрича, тош (табиат “скелети”, ёрқин эркак рамзи) ва сув (табиат “қони”, қоронғу аёл рамзи). Япон боғларида нисбатан гуллар кам, доим яшил дарахт ва буталар жаннат доимийлиги рамзини беради. Боғни йилнинг ҳамма вақтда чиройли бўлиши учун бошқа ўсимликларни танлашда уларнинг гуллаш вақти ва барглари ранги ҳисобга олинади (16-расм).

Хитой боғлари

Хитой боғлари, 3000 йиллар муқаддам мавжуд бўлиб, томоша, дам олиш, даволаниш мақсадида яратилган. Боғбонлар атроф муҳит табиатининг энг таъсирли жиҳатларини кўчириб, уларни кичик миқёсда боғ ҳудудида қайта яратганлар. Бунда дарахтлар ва буталар қатъий симметрик ҳолатда бўлиб, ҳар бири ниманидир акс этган (17-расм) [28].



17-расм. Хитой боғининг чизмаси.

II-БОБ. Ландшафт архитектураси объектларининг замонавий типологияси

2.1. Замонавий парклар ва уларнинг турлари (кўп функцияли ва махсус парклар)

Парклар- бу ҳудуди 5гектардан кам бўлмаган оммавий фойдаланадиган кўкаламзор ҳудуд бўлиб, парк йўллари ва хиёбонлари, майдонлари, сув қурилмалари, дарахтлар, гулзорлар, майсазорлар, ободонлаштириш элементлари яхлит бир меъморий -ландшафт ва режавий композицияда ташкил этилган ва инсонларнинг дам олиши ва муайян фаолияти учун мўлжалланган маскандир. Ҳудудий жойлашуви бўйича парклар уч гуруҳга: а) шаҳарлар ёки туман марказлари (қишлоқлар) ичида жойлашган шаҳар ёки қишлоқ парклари; б) шаҳар ташқарисида жойлашган шаҳар олди парклари; в) шаҳаролди, четларидан узоқроқда жойлашган ташқи парклар. Шаҳаролди ва ташқи паркларга лесопарклар (лугопарклар, гидропарклар), шаҳар ташқарисида жойлашган боғ-паркчилик санъатининг ёдгорликлари-тарихий парклар, қуриқхоналар ва миллий парклар ҳамда курортлар ва даволаш муассасаларининг парклари киради. Шаҳар парклари қишлоқ (туман) паркларидан ўлчамлари ва функциялари билан фарқ қилиб, одатда, шаҳар кўкаламлари ва дам олиш масканларининг энг катта ва йириклари ҳисобланади (2-жадвал). Улар ўзларининг асосий функционал йўналишига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Рекреацион (дам олиш) парклари. Бу гуруҳга кўп функцияли маданият ва истироҳат боғлари ва махсус функцияли парклар (тинч дам олиш ва сайр қилиш боғлари, спорт боғлари, кўнгилочар аттракцион боғлар, болалар боғлари) киради.

2. Илмий – оқартув ўрганиш парклари: зоологик ва ботаник парклар, дендропарклар, кўрғазма ва этнографик парклардир.

3. Меъмориал парклар: тарихий парклар, харбий-тарихий парклар, кадрийат ва хотира парклари ва бошқалар.

4. Қўриқхона парклар: миллий тарихий парклар, боғ парк санъати ёдгорликлари, қўриқхоналар.

5. Курортлар ва даволаш муассасаларининг парк ва боғлари. 2, 3 ва 4 гуруҳга кирувчи парклар ҳам аҳоли томонидан дам олиш масканлари тарзида фойдаланилади. Бироқ, уларда асосий функциясидан келиб чиққан ҳолда дам олиш шароитлари ва қулайликлар нисбатан чекланган бўлади.


Ижтимоий аҳамияти, моҳияти ва мавқеига қараб парклар республика, вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқ паркларига бўлиш мумкин.

Парклар ҳудудининг катта - кичиклигига қўра эса уларни а) кичик-ҳудуди 6дан 20 гектаргача; б) ўрта - 20дан 100гектаргача; в) катта 100дан 500гектаргача; г) 500гектардан катта бўлган паркларга бўлинади (18-расм) [11].



18-расм. Аквапарк ва рекреацион паркларга мисоллар. (Тошкент аквапарки)

Парклар ва уларнинг тасниф тизими





19-расм. Услужий боғ

Услужий боғлар — ушбу боғга худди эстетик қийматга эга нафис санъат асари сифатида қараш лозим. Бунда ўсимликлар истисно тариқасида декоратив вазифани бажаради. Масалан: япон боғи, авангард услубидаги боғ, рус боғи, прибалтика боғи, карель боғи, доира шаклидаги боғ, эртақнамо боғ ва хоказолар. Зеро, бу боғнинг асосий вазифаси — оромгоҳ жойдир (19-расм).



20-расм. Террасали боғ

Турли сатҳли боғлар — кўпинча нотекис ерлардан ажратилади. Тик нишабли жойда тошли боғ, ётиқ нишабликда эса альпинарий шаклида баланд клумбалар тузиш мумкин (20-расм).



21-расм. Болалар боғи

Болалар боғи — бундай боғлар бошқаларидан, ўйин майдончасининг мавжудлиги билан фарқланади, бундан ташқари, бақувват дарахтлар гуруҳи ҳам бўлиши керак (21-расм).



22-расм. Оилавий боғ

Оилавий боғлар — оиланинг барча аъзолари дам оладиган боғ, албатта кўп талабларга жавоб бериши керак. Яъни, боғнинг беағи бўлиб, кўшк ёки терасса, ёки ўйин майдончаси бўлиши мумкин (22-расм).

"Кантри" услубидаги боғ — айнан шу ландшафт дизайни йўналаши назаримизда, анчайин кўплаб миллий боғбонларимиз менталитетига яқинроқ ва кенг қўлланилиши мумкин. Нооддий самимийлик ва тантанаворлик кайфияти ушбу услубга хосдир. Аммо, бу боғда эртаю кеч кетмон чопмайсиз.

Декоратив томорқа — ўсимликлар асосан улардан озикланиш эмас завқланиш учун экилади. Баъзи бир сабзавотлар (кади, помидор, бодринг)

жўякларда декоратив ҳолда кўринади. Шу сабабли, сабзавотларни гуллар билан биргаликда экилади [31].

Альпинарий – тоғ тошларидан тузилган тошли боғ, тоғча. Бу манзарали боғнинг мўъжаз декоратив элементи ҳисобланади. Мисол учун Япон ва Хитой боғларида кенг қўлланилади (23-расм).



23-расм. Хар-хил бута ва ўсимликлар билан тўлдирилган альпинарий (кўргазма учун).

Замонавий паркларнинг лойихавий асоси-худудларнинг функционал зоналашдир. Паркларнинг турига кўра, уларни қуйидаги зоналарга бўламиз:

-Оммавий тадбирлар учун соғломлаштириш ва бадантарбия; -Маданий маърифий тадбирлар учун; -Болалар истирохати учун; -Осойишта дам олиш учун. Ландшафт архитектураси объектлари орасида парклар анчайин йирик асосий кўкаламзор хажмий-фазовий тизими ҳисобланади. Фаолият вазифасига кўра, парклар қуйидаги 2 турга бўлинади:

1) ярим функционал;

2) тематик (махсус) парк; Паркнинг умумий лойihalаш тамойили мунтазам ёки манзарали бўлиши мумкин. Бундан ташқари, парк ландшафти кўкаламзорларнинг зичлигига боғлиқ бўлиб, улар сийрак (1га га 2000та кўчат), ўрта (1га га 2000-5000та кўчат) ва қуюқ (1га га 5000-8000та кўчат) деб таснифланади [11].

Кўп функцияли парклар

Замонавий шаҳардаги парк ўзига – шаҳар муҳитини соғломлаштириш функциясини олувчи, шаҳар ландшафтини бойитувчи, табиатни қўриқлаш ва аҳолининг дам олишига ёрдам берувчи кўкаламзор маконлар тизимининг энг муҳим элементидир (24-25 расмлар).



24-расм. Осойишта дам олиш ва хотира парклари

Оммавий кўп функционал парк типи ҳудуднинг етарлича катталигига шаҳар аҳолисининг дам олишини ташкил этиш тизимида асосий объект бўлиб қолади. 1) оммавий тадбирлар 5-7%; 2) маданий- оқартув тадбирлари 3-8%; 3) тинч дам олиш 50-75%; 4) соғломлаштириш 10-20%; 5) болалар дам олиши 5-10%; 6) хўжалик 1-5%.

Кўп функцияли шаҳар паркининг асосий вазифаси – келувчиларнинг дам олишини таъминлаш ва улар билан тарбиявий иш утказиш. Бундан келиб чиқиб парк ишининг мазмуни ва шакли қуйидагича келтирилган: 1) сиёсий-тарбиявий; 2) физкультура-оммавий иши; 3) маданий- оқартув иши; 4) бадий иши; 5) соғломлаштириш иши; 6) паркда кўнгил ёзиш

(Самарқанддаги ёзги Мўъжиза парки байрам тадбирлар учун); 7) болалар билан ишлаш; 8) келувчиларга маиший хизмат кўрсатиш [21].

Болалар парклари. Уларнинг асосий вазифаси болаларнинг актив дам олишини ташкил этиш, жисмоний ривожланишига ёрдам



25-расм. Кўргазма парклари

бериш, уларнинг саргузаштларга, ижодий машғулотларга, экспериментларга бўлган интилишини қондиришдан иборат. Болалар парки ландшафтида табиий шароит ва хайвонот дунёсини кўплаб хилма-хиллигини, иложи бориचा акс эттирмоқ зарур [11].

2.2. Мўъжаз боғ ўсимликлари, йўлақлар

Мунтазам боғнинг энг муҳим элементлари – кузалган буталар ва дарахтлар бўлиб, улар маълум бир шаклни акс эттиради. Секин ўсувчи тис, самшит, падуб, дуб каби ўсимликлар кўп йиллар мобайнида ғамхўрликни талаб этади.

Кузалган буталарнинг типик боғи ўзининг маҳобатли кўриниши билан ўзига хослик бериб, симметрияга асосланади. Танаси эгилган дарахтлар ва буталар боғ ичида ёпиқ жойни ташкил этади. Липа, граб ўсимликлари айниқса аллеяларни лойихалашда қўлланилади. Уларни бошқача йўсинда ҳам қўллаш мумкин, улар шохлари чирмашиб, боғ чегарасини билдирувчи “жонли” деворни ҳосил этиб, ёлғизлик ҳиссини уйғотади.

Гиламли боғлар ва майсазорли экинлар. Гиламли боғлар ва майсазорли экинлар – симметрик боғларнинг бир муҳим турларидир. Бундай боғларда ўсимликларнинг ўсиши қатъий назоратда бўлади. Самшит бутаси орқали “девор” ўстириш мумкин.

Майсазорли экинлар. Боғнинг ички фазосини рангланган шағал тошлар билан тўлдириб, ёки тўшалувчи ўсимликлар билан тўлдирилади. Гиламли боғлар ва майсазорлар бутун йил давомида ўз тароватини сақлаб қолади.

“Романтик боғ” – хиссий тушунча. Бунда қишда асосан нинабаргли дарахтлар ва буталарнинг декоратив шакли (қарағай, арча, тут) эътиборимизни тортади. Мажнунтолнинг юмалоқ ва соябонли шакли, қарағайнинг қирмизи-тилларанг рангли танаси оппоқ қор фонидида ҳеч бир боғ эгасини эътиборсиз қўймайди. Баҳор, ёз, кузни айтмасак ҳам бўлади [30].

Йўлаклар.

Йўлаклар боғ композицияларининг энг муҳим элементи бўлиб, унга ўзига хослик бахш этади. Ҳатто йўлакларни қандай ашёдан тўшамадан бажарилганлиги (плиткали, тошли, блокли, бетонли, газонли) ташриф буюрувчида кучли таассурот қолдиради. Ҳозирда боғ йўлаклари тўшамалар турига қараб табиий тош, декоратив плиткалар, бетонли плиткалар, ғишт, бетон ва декоратив бетон, ёғочли ва ўт- майсалиларга бўлинади. Уларни ҳар бирини ўз ўрнида қўллай билиш лозим (26-расм).



26-расм. Боғ йўлакларининг тўшамалари (мармар, плитка, ғишт)

Масалан, табиий тош эстетик жиҳатдан энг яхши материал хисобланади. Турларига плитняк, гранит, базалът, порфир, песчаник киради. Йўлаклар асосан 1,2-1,5 метрдан кам бўлмаслиги яъни, икки киши ёнма – ён бемалол айланиб юришига мўлжалланган бўлиши керак. Иккинчи даражали ёки унчалик муҳим бўлмаган сўқмоқчалар эса 0,5-1 метр қилиниши мумкин. Ёмғир қор сувлари тўпланиб қолишига қарши ҳар қандай йўлак ўқ чизигидан икки тарафга озгина қиялик бўлиши керак. Рельефлар мавжуд жойларда йўлак ўрнига зина ёки пандуслардан фойдаланилади [26].

Яна кўп тарқалган материаллардан бири бетонли плиткалар. Ҳозирда уларнинг ранг, шакл, ўлчами жуда катта ассортиментларда чиқарилмоқда. Боғ хиёбон ўртасидаги йўлаклар, сўқмоқлар фақатгина функционал вазифани бажарибгина қолмай, балки бадиий-эстетик ечим хисобланади. Йўлаклар формаси ва кўриниши боғнинг умумий услубига мос келмоғи лозим. Масалан, плиткалар билан ётқизилган тўғри йўлак романтик атиргуллар клумбаси билан ҳеч ҳам тўғри келмайди. Йўлак ва майдонлар боғда қулайлик туғдиради. Демак улар қулай, мустаҳкам ва беташвиш бўлиши лозим. Тўшама – дизайннинг энг муҳим элементларидан биридир. У ранги, услуби, ашёси жиҳатидан боғ-уйнинг меъморчилигига ҳамоҳанг бўлиши керак [13].

2.3. Бульварлар, скверлар

Бульварлар – шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда катта аҳамиятга эга. Улар шаҳар кўринишини сезиларли даражада ўзгартириб, атмосфера ифлосланишини анчайин камайтиради. Бульварлар – шаҳарнинг чизиқли кўкаламзорлаштирилган қисми бўлиб, пиёдалар ҳаракатланиши, айланиши, қисқа вақт дам олиши учун мўлжалланган жойдир (27-расм).


Шаҳарда жойлашганлигига қараб бульварлар: тўғри чизиқли, халқасимон кабиларга бўлинади. Биринчи бульварлар XIX асрда европа шаҳарларида транспортга ҳалақит берувчи яроқсиз бўлиб қолган крепост деворларини олиб ташлаш бошланди. Шундай қилиб машҳур Венадаги Ринг,

Париждаги катта бульварлар, Москвадаги бульвар халқаси ва шу каби қатор шаҳарларда бульварлар пайдо бўлди.

Бульварларнинг асосий элементларига аллеялар, йўлаклар, майдончалар, буталар, гулдонлар ва газонлар киради. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бульварлар анча ривожланди ва шаҳар майдонини пиёда йўллар ва транспорт қатнов зоналарига бўлиб берди.

Бульварлар узун ва калта бўлиб, баъзан бир неча километрлаб чўзилиши ва ўз ичига боғлар, скверлар, пиёда йўлларни олиши мумкин. Шунинг учун ҳам бульварлар композициясини тузиш

анчайин мушкул иш ҳисобланади. Одатда уларни шаҳар қурилишидан 150...250 м интенсив ҳаракатли кўчаларда эса 400...500 м қилиб жойлаштирилади. Бульварлар йўлнинг икки томонидан ёки йўлнинг ўртасида бўлиши мумкин. Унинг минимал қалинлиги 18 м қилиб белгиланган. бундай ўлчамда узунусига 4...7 мли аллея, қисқа дам олиш учун ўтиргичлар, ёритгичлар, воиш ва ахлат қутиси жойлаштирилади. Қолган қисмини буталар билан тўлдирилади. Ўтқазиладиган баланд дарахтлар ўртача 1га га 350...400 дона дарахт ва 3...4 мингта бута тўғри келади.



27-расм. Бульвар режаланишига мисоллар:

а- Примор бульвари (Одесса); б- Неглина кўчасидаги бульвар (Москва)

Бульварлар ички муҳитни шовқин чанг ва ифлосланишдан сақлаши лозим. Катта бульварларга вело йўлаклар, пиёда йўлли аллеялар жойлаштириш тавсия этилади.

Хиёбонлар (сквер). Хиёбон ва паркларнинг шаклланишида ўсимликларнинг ўлчами катта аҳамият касб этади. Баргли ва бутасимон дарахтлар 3 гуруҳга бўлинади:

Дарахтлар 1 гуруҳ – 20м дан балан. 2 гуруҳ – 10м дан 20м гача


3 гуруҳ – 5м дан 10м гача

Буталар баланд – 2м дан 5м гача; ўрта - 1м дан 2м гача; паст- 0.5м дан 1м гача;

Нинабаргли ўсимликларни ўсишига қараб, қуйидаги гуруҳларга таснифлаймиз: баланд бўйли, ўрта бўйли, секин ўсувчи, карлик (пакана) (28-29 расмлар) [25].



28-расм. Самарқанддаги хиёбон



29-расм. Мавжуд скверлар режасига мисоллар (Москва):
а-театр ёнидаги скаер; б-режада Лермонтов сквери

2.4. Қўриқхоналар, қирғоқлар, пляжлар

Қўриқхоналар – Ўзбекистон қўриқхоналари ўзининг бетакрор гўзалликлари билан, ўзига хос хайвонот ва наботот олами, қуёшли кунлари билан экологик туризм хаваскорларини ўзига жалб этади. Энг улкан ва қадимий қўриқхоналардан бири Чотқол миллий боғ 1947 йилда тузилган бўлиб, 44та сут эмизувчилар, 230та турли кушлар, 1168 турдаги ўсимликлар мавжуд. Бу ерда “Чорвоқ”, “Чимён”, “Билдирсой” соғломлаштириш комплекси жойлашган.

Яқинда Угам-Чотқол миллий боғ - парки ҳудудида Билдирсой ёнбағрида жойлашган болалар экологик қўриқхонаси очилди, бу ерда улар ўз устозлари ёрдамида ёш ботаниклари, зоологлари, географлари, ўрмончилари табиат неъматларини ўрганадилар. Яна бир гўзал масканлардан бири, бу Ургут яқинидаги Омон-қўтондир [30].

Қирғоқ бўйлари – бу сув ҳавзалари бўйидаги иморатларни ва акваторияни боғлайдиган ҳажмий-тарихий комплекслардир. Улар дарё, каналлар, кўл ёки денгиз бўйида жойлашган шаҳарларда анчагина ҳудудни эгаллайди. Қирғоқ бўйи комплекси жамоат бинолари турар жой бинолари, табиий ёки сунъий яратиладиган ландшафт, ҳамда ер ости ва ер усти инженерлик коммуникациялари, иншоотлари ва ускуналарини ўз ичига олади (30-расм).



Қирғоқ бўйининг меъморий – ландшафт компонентларига қуйидагилар киради:

- қирғоқбуйи акватория элементлари билан сув бўйидаги гидротехник иншоотлар (лирслар, тўлқин қайтаргичлар, ороллар);

- тартибга солиш чизиғидан қурилмаларнинг қизил чизиғигача ёки қирғоқ қиялигигача бўлган қирғоқ бўйи терассалари;
- қирғоқ бўйи терассаларидаги, сувдаги иншоотлар;
- қирғоқ қиялиги, агар у бўлса, ёки шаҳар қурилмаларининг ёндошган фронти;
- инженерлик ободончилиги ва ускуналари;

Қирғоқ бўйларини яратиш мураккаб жараён бўлиб, кўп мутахассисларнинг қатнашувини талаб қилади [14].



а)



б)



31-расм. а) Қирғоқ бўйларининг қирқими
б) Вильсон қирғоқбўйининг тасвири. Женева.




Пляжларни лойиҳалашда қўлланиладиган асосий тамойиллар

Пляжлар аҳолининг тоза сув ҳавзаларида чўмилиб, дам олиши ва ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган жойдир. Пляжлар турли хил: кўллар, прудлар, дарё ёки денгиз соҳилларида ташкил этилиши мумкин. Улар,

шунингдек, парклардаги катта табиий сув ҳавзалари соҳилларида ҳам ташкил этилиши мумкин. Пляжлар шаҳар аҳолисининг 10-12% ига мўлжаллаб, ҳар бир пляжга келувчига 5,5-6м² жой ҳисобидан лойиҳаланади.

Пляжлар ҳудуди уч қисмдан: акватория, яъни сув ҳавзаси-чўмиладиган жой; солярия; яъни қуёшга тобланадиган жой; аэрация, яъни сояда, шабадада очик майсазорда дам оладиган жой.

Аквадориянинг энг чуқур жой катталар учун 1,6м, болалар учун 1,0м бўлиши зарур. Сувга тушадиган жой нишаблиги 1/10, яъни сувга тушганда бирдан чуқурлик сезилмаслик керак, сувга секин, қиялик катта бўлмасдан тушиш зарур.



32-расм. Пляж ҳудудининг қирқими

Солярия қумлоқ жой бўлиб, қуёшга тобланадиган шароит яратилиши зарур. Аэрация ҳудуди текис, унда собонлар, турли спорт майдончалари, стол тенниси, овқатланадиган ва шарбат ичимликлар ичиш ва сотиб оладиган жойлар, ечиниb кийинадиган жой, бассейн, душхона, қаҳвахона, кўшқлар, павильонлар, туалет, прокат, кутқариш станцияси, сувга сакраш ва тойиниш қурилмалари билан жиҳозланиши зарур. Шаҳар пляжларининг ҳудуди атрофидан алоҳида ажратилган, қўриқланадиган, суви тоза ҳолда сақланиши лозим.

Пляжлар ҳудуди қуёшгўй, яъни қуёшга қараган соҳилларда шакллантирилади. Пляжда катталар ва болалар учун алоҳида жой ажратилиши, болалар чўмиладиган жой алоҳида ажратиb белгилаb қўйилиши керак.

Сув юзасидан чегараловчи сувда қалқиб чиқмас белгилар бўлиши лозим.

Пляжлар худудида чўмилиш зонаси, дам олиш зонаси, хизмат кўрсатиш зонаси, спорт ва физкультура зонаси, яшил зона, йўлаклар, майдонлар, майсазорлар бўлиши керак (32-33 расмлар) [23].



33-расм. Гавайи оролидаги пляжлар кўриниши

III-БОБ. ЛАНДШАФТ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

3.1.Ландшафт архитектурасининг таркибий қисмлари ва улар орасидаги боғлиқлик

Ландшафт Архитектурасининг таркибий қисмларига қуйидагилар
киради: 1) яшил дунё, 2) хайвонот дунёси, 3) ер, жой рельефи, 4) сув дунёси,
5) мўжаз меъморий шакллар ва ташқи ободонлаштириш элементлари.

(3-жадвал)

Ушбу таркибий қисмлар ичида энг муҳим ва марказий ўринни яшил
дунё ташкил қилади.

Яшил дунё - деганимизда дарахт ва буталар, гуллар ва майсазорлар,
турли хил ўт ўсимликлари ва лианлар, яъни чирмашиб ва тирмашиб ўсувчи
тик кўкаламзорлаштиришда қўлланадиган ўсимликларни назарда тутамиз.
Бундан ташқари, ландшафт архитектурасининг яшил дунёсига сувда ўсувчи,
сув юзида қалқиб ўсувчи, гулловчи гўзал эстетик ўсимликлар ҳам
(34-расм).



34-расм. Яшил дунё. Ўрмонзор ва палма дарахтлари

Хайвонот дунёсига парк ёки боғда, истирохат жойларда, ички
хавлилар ва мўжаз боғларда турли хил қўлга ўргатилган гўзал хайвонлар:
қушлар, оҳулар, балиқлар ва бошқа хил хайвонлардан фойдаланиш кўзда
тутилади. Бундан ташқари, боғ ва хиёбонларга фойдали хайвонлар ҳам
тавсия этилади. Табиатда кўпгина хайвонлар ва қушлар мавжудки, улар

Ландшафт архитектурасининг таркибий қисмлари



Ўсимликлар учун зараркунанда бўлган ҳашаротларни йўқ қилиб, боғда санитария ишларини олиб боради.

Уларга: кўршапалаклар, типратиканлар, курбақалар, фойдали қушлар ва бошқалар киради. Бундай ҳайвонларни асраш, боғ ва паркларда тутиш, яхши шароитлар яратиб бермоқ керак (35-расм).



35-расм. Боғ ҳайвонларидан айримлари.

3.2. Дарахтлар ва буталар тузилган ландшафт композициялари (тасниф тизими ва шакли шамоили)

Ландшафт архитектураси амалиётида дарахт ва буталардан тузиладиган композициялар турли-туман бўлиб, улардан энг кўп қўлланадиганлари қуйидагилардир:


1. фақат дарахтлардан тузилган композициялар;
2. фақат буталардан тузилган композициялар;
3. дарахт ва буталардан тузилган композициялар;

Фақат дарахтлардан тузилган композицияларга бир хил дарахтлардан тузилган композициялар ва ҳар хил дарахтлардан тузилган композициялар киради. Фақат буталардан тузилган композициялар ҳам худди шундай.

Дарахт ва буталардан тузилган композициялар оддий ва мураккаб композицияларга бўлинади. Оддий композициялар бир хил дарахт ва бир хил буталардан тузилган, мураккабга эса ҳар хил буталардан ва ҳар хил ёки бир хил дарахтлардан тузилган композициялар киради.


Дарахт ва буталардан тузилган композициялар турлари қуйидагича:

1. Солитер ёки алоҳида олинган дарахт ё бута композицияси. Солитер учун энг чиройли бўй-басти, шох-шаббалари гўзал ва кўркли дарахт ёки бута танлаб олинади. Улар муҳитнинг энг кўринадиган жойига экилиб, ўзига диққатни тортиб, акцент ёки доминант ролини бажаради.




36-расм. Солитер. Якка дарахт

2. Гуруҳ композицияси: оддий ва аралаш гуруҳлар мавжуд. Гуруҳ 2-10 бири бири билан уйғунлашувчи дарахт ёки буталардан тузилади. Бу унча катта бўлмаган массивдир. Шу билан бирга тузилаётган гуруҳнинг ранг уйғунлигига, гуллаш давомийлигига ҳам эътибор берилади (37-расм).



37-расм. Оддий ва аралаш гуруҳ.

3. Қаторлар композицияси: бир қатор, икки қатор ва кўп қаторли композициялар бўлади. Қаторлар ўз ўрнида фақат дарахт ёки бута ва дарахтлардан тузилиши мумкин. Шу билан бирга булар жумласига аллеяларни ҳам киритиш мумкин (38-расм).




38-расм. Қаторлар композициясининг чизмаси. Дарахтлар аллеяси.

4. Массив композицияси: оддий массив, дарахтлар массиви. Массив табиий ўсиб ётган дарахтлар уюмини эслатади. Бу ҳам алохида дарахт ёки бута ва дарахтлар аралашмасидан ташкил топади (39-расм).



39-расм. Дарахтлар массиви. Япон боғи мисолида.

5. Кузалган сунъий шаклли яшил композициялар: -бордюрлар,- яшил деворлар, - яшил зоопарклар, - боскет ва кабинетлар (40-расм).



40-расм. Геометрик шаклда кузалган бута ва дарахтлар.

Дарахтлар шартли равишда манзарали ва мевали гурухларга бўлинади.

Мевали дарахтлар ҳам манзарали бўлади, бироқ, улар ландшафт архитектураси эҳтиёжлари учун манзарали дарахтларга кўра камроқ қўлланилади. Аҳоли пунктлари ва шаҳарлардаги очик мухитларни кўкаламзорлаштиришда асосан манзарали дарахтлардан фойдаланилади (41-расм).



41-расм. Мевали дарахтлар.

Манзарали дарахтлар ўз навбатида баргли ва игна баргли дарахтлар гуруҳига бўлинади. Баргли дарахтлар қишда барглари тушиб кўримсиз бўлиб

колса, игна баргли дарахтлар ёзин-кишин кўм-кўк тусда, манзарали бўлиб ўсади (42-расм).

Буталар ҳам худди шундай: киш фаслида барглари тушувчи ва ёзин-кишин кўм-кўк бўлиб ўсувчи гурухларга бўлинади. Доим кўм-кўк бўлиб ўсувчи аксарият буталарнинг барглари ана шундай дарахтларнинг баргларидан фарқ қилиб игна баргли эмас, балки барги майда япрок кўринишида ҳам бўлади.

Дарахт ва буталарнинг асосий биологик хусусиятларига уларнинг баландлиги, ташқи кўриниши, шакли ва ранги, шох-шаббаларининг тиғизлиги, ўсиш тезлиги, сувсизликка чидамлилиги, яшовчанлик даври каби белгилари киради.

Дарахтлар баландлигига қараб:

- баланд (25 м дан юқори): кедр сибирский, ель обыкновенная, сосна обыкновенная, платан восточный, дуб черешчатый, клен остролистный ва липа крупнолистная;
- ўрта (10 дан 25 м гача): клен полевой, можжевельник, каштан конский, ольха чёрная, туя западная, ясень американский ва бошқалар;
- паст (10 м дан паст): клен гиннала, багрянник, ива, боярышник, можжевельник обыкновенный ва бошқалар.

Бўйи 5 м дан паст дарахтларни манзаравий композициявий хусусиятларига кўра баландлиги 0,5 м дан 5 м гача бўлган буталар гуруҳига киритиш мумкин.

Буталарни эса баландлигига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- баланд (3-5м) буталар: боярышник, клен татарский, калина обыкновенная, гордовина ва бошқалар;
- ўрта (1-3 м) буталар: бирючина, сирень, береслет, спирея Ванн-Гутта ва бошқалар;
- пасткам (0,5-1 м) буталар: спирея бумальда, спирея японская, дейция, снежнотгдник ва бошқалар.
-

Дарахтлар ичида куёшни ёқтирувчи, яъни соя жойда яхши ўсолмайдиган (берёза, дуб, клен ясенелистий, ясень, тополь, сосна оддий, ольха чёрная ва бошқалар) ва сояда ўса оладиган, яъни сояга чидамли (каштан конский, татарский ель, липа, платан, бояришник, жимолост, калина ва бошқалар) турлари хам мавжуд.



42-расм. Манзарали дарахтлар.

Манзаравий самарага эришишнинг тезкор усули бу лойиҳаланаётган ҳудудга тез ўсувчи дарахтлар ва буталарни экишдир. Берёза, вяз, клен ясенилистий, татарский, ива плакучая, ясень зелёный, ель колючая, сосна оддий, акация белая, бирючина, бояришник, бузина, чубушник, жимолость, лох, смородина золотистая ва бошқалар ана шундай экинлардир. Ер тупроғи қияли жойларда мустаҳкам тутишга ёрдам берувчи илдизи кенг ва тарқалиб ўсувчи ўсимликлар борки, уларга клен полевой, татарский, акация жёлтая, лещина оддий, кизильник, бояришник, лох узколистный, гледичия ва бошқалар киради.

Маълумки, дарахтлар ва буталар ҳудудларни ташқи экологик таъсирлардан ҳимоялаш вазифасини хам бажаради. Ана шундай пайтларда:

- **Шовқиндан ҳимояланиш учун:** клен остролистий, вез оддий, липа майдабаргли, оддий ель, лиственница сибирская, жимолость татарская, сарик акация, сибир бояришникларини;
- **Газлардан ҳимояланиш учун:** клен пенсильванский, лещина, маньчжурская, гледичая трёхколюковая, тополь серий ва чёрный, тополь

канадский, акация оқ, шелковица белая, можжевельник казацкий, бирючина оддий ва бошқаларни;

- **Чанглардан ҳимояланиш учун:** вяз перистоветвистий, ива белая плакучая, каштан конский, клен кулранг, татарский, полевой, тополь канадский, тополь болле, шелковица белая, ясень зелёный и обикновенный, акация желтая, бирючина оддий, лох узколистий, спирея ванн-Гутталарни танлашни тавсия этамиз;

- **Шамолни тўшиш ва ҳудудни соялаштириш** мақсадида эса шох-шаббалари тигиз ўсувчи каштан конский, клен остролистный, ель оддий, дуб черешчай, липа майдабаргли ва бошқаларни танлаш тавсия этилади.

Ўсимликларни гурухлаб экиш учун танлашда уларнинг архитектуравий-бадий хусусиятларига: баландлиги, ташқи шакли-шамоили, ранги, барглари хусусиятларига, айниқса, гуруҳдаги дарахтларнинг бўйи ва ташқи кўринишларининг ўзаро контраст муносабатларда бўлишлигига асосий эътиборни қаратиш зарурдир.

Гуруҳларни шакллантиришда гуруҳ таркибига танланаётган ўсимликларнинг ўсувчанлиги ва яшовчанлигини ҳисобга олиш зарур, яъни дарахтларнинг тез ўсувчи хилларини секин ўсувчи ва қуёшни ёқтирувчилари соя берувчи дарахтлар остига экилмаслик лозим [25].

3.3. Лианлар ва гулзорлар (турлари ва тузилган композициялар)

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида кўп қаватли иморатларнинг қурилиши кун сайин ўсиб бормоқда. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шароити бу қурилган биноларнинг дераза балконларининг олд тоонларига турли-туман лианлар, чирмашувчи ёки бошқа ёпишиб ўсувчи манзарали ўсимликларни экиб ўстиришга эҳтиёж туғдирилади (43-расм).

Бундай ўсимликлардан, ёввойи узум, хмель, климатис, актинидия, обвойник, каприфоль каби баъзи лианларни кўпайтириш ва шаҳарларни вертикал кўкаламзорлаштиришни талаб этади.

Вертикал кўкаламзорлаштириш иссиқ ҳаволарнинг хароратини камайтириб, намликни ва салқинликни кўпайтириб туради.

Республикамизда кўкаламзорлаштиришнинг бу турига ханузгача эътиборсизлик билан қараб келинмоқда.

Кўкаламзорлаштиришнинг бу турига эса талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Вертикал

кўкаламзорлаштириш учун мўлжалланган ўсимликларни ўтчил ва ёғоччил хиллари нихоятда турли тумандир. Аммо унинг кўпчилиги хаваскор гулчилар ва кўкаламзорлаштириш комбинатларида холос.



43-расм. Турар жой биноси фасадининг лианлар билан қоплаганлиги.



44-расм. Вертикал кўкаламзорлаштириш турлари.

Бу ўсимликлар Ўзбекистон шароитида нихоятда ўзларини яхши хис қилади ва қишги совуқлар ҳам уларнинг кўпчилигига таъсир этмайди.

Лианлар кўп жойни эгалламасдан баланд-баланд қурилган иморатларга эстетик хусн бериши ва микроиқлим ҳосил қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Вертикал кўкаламзорлаштириш фақатгина айрим шахсларнинг иши бўлибгина қолмасдан, балки шаҳар кўкаламзорлаштириш комбинатлари, архитекторлар, қурувчилар, шаҳар ободонлаштириш бўлимлари бу ишларга бош-қош бўлишлари зарур. Вертикал кўкаламзорлаштиришнинг энг катта аҳамияти шундан иборатки, у шаҳарлардаги бўлган чанг, турли туман газлар, товушларни қайтариб туради, яъни ихота вазифасини бажаради.

Вертикал кўкаламзорлаштириш фасадларни безаш ёки айрим иморатларнинг олд томонларини тўлдириб, шаҳарларни ёритиб турувчи чироқларнинг пастки томонларини безатиш, балконлар олдини кўкаламзорлаштириш, аллеялар ясаш мақсадларида ишлатилиши лозимдир.

Аммо бахтга қарши, Республикамизда лианлар ва вертикал ўсувчи ўсимликларнинг атиги 10-15 тури қўлланилади, холос. Нихоятда чиройли илашиб-чирмашиб ўсувчи турли туман атиргуллар, климатис, хмель, ёввойи узум, актинидия, обвойник, каприфоль каби лианлар камдан-кам қўлланилади (44-45 расм) [20].



45-расм. Парклардаги вертикал кўкаламзорлаштириш.

Майсаторлар. Газонларнинг 3 та маданий тури мавжуд:

– спорт (стадион ва ипподромларда); – мўъжаз (декоратив); -махсус (аэродромларда) Биз учун энг яқини ва кўп учрайдиганлари мўъжаз майсаторлар бўлиб, уларни боғ, скверь, бульвар, парк, аҳоли яшаш яшил зоналарига ўтказилади (46-расм) [26].



46-расм. Газонларнинг қўлланилиши.

Гулзорлар (гуллардан тузилган ландшафт композициялар)



Куртиналар, газонлар, гулзорлар, клумбалар, рабаткалар, арабескалар, мавзуга доир композицияли гулзорлар, партерли гулзорлар, пейзажли гулзорлар, тошли гулзорлар, гулли массив, махсус гулзорлар.

Истирохат боғлари хиёбонлар, аҳоли дам оладиган оромгохларда гулзорларга зеб бериш мақсадида паст бўйли турли рангдаги оддий алтернант ва селум ўсимликларидан усталик билан фойдаланиб, турли нақш ва расмларни ерда барпо қилиш мумкин (47-расм).



47-расм. Замонавий йирик гулзорли партерлар турлари.

Гулзорлар лойиханинг ёрқин ва бетакрор қисмидир. Гулзорларни лойихалашда албатта уларнинг ранг-баранглиги, фактураси, чизиғи, гуллаш давомийлиги, архитектура услублари билан уйғунлиги ҳисобга олинади (48-расм) [20].




48-расм. Гулзорли партерлар.

Гулдонлар. Ўлчами, ранги, шакли бўйича боғнинг турли жойларига ўрнатиш мумкин. Гулдонлар деярли барча меъморий услублар билан уйғунлашиб кетиши мумкин [31].

Партерлар. Гидам ҳосил этувчи ўсимликларни турли нисбатларда экиб, партерлар, гул нақшлари, гидам нақшлари ҳосил этилади. Гидам ўсимликлари, гуллари ва япроқлари рангига кўра 4 гуруҳга бўлинади: 1. оддий алтернант ва селдум ўсимликлари. 2. ўстирилиши қийинроқ бўлган ўсимликлар. Буларга ахирантис, ирезина, гнафалиум, олча барг гули, санталина, фуксия каби ўсимликлар киради. 3. Анча қимматлироқ гул ўсимликлари. Булар жумласига ҳазорон гул, анжир барг гул, бегония кабилар киради. 4. Сўнгги гуруҳга кирадиганлар клейция, эхиверия ва фестука ўсимликларидир (49-50-расмлар) [28].



49-расм.Брайтондаги бульвар-қирғоқ бўйи, Англия




50-расм. Классик партерлар

3.4. Ландшафт архитектурасида рельефнинг ва ер геопластикаси

Ер, жой рельефига жойнинг барча табиий кўринишлари: қирлик, қиялик, дўнглик, чуқурлик, қоя, текислик, қирралик каби ер шакллари кириб, уларни меъморий ландшафт мухитини яратишда фаол ва самарали қўллаш ишлари ушбу табиий шакллар ва сунъий поғонасимон шакллар бериш, тиргак деворлар, пандуслар, зинапоялар, қияликлар ва сунъий тўшамалар

ёрдамида жой рельефини унинг геопластикасини яратиш билан ишлаш уни гўзал ва фойдали қилиб бир сўз билан айтганда жой рельефига оройиш беришга боғлиқ.



51-расм. Иорданиянинг Хевфри шаҳридаги ибодатхона худудининг ландшафт архитектураси.

Ландшафт архитектурасининг энг перспектив йўналишларидан бири геопластика вертикал лойihalаниб, архитектуравий – бадий вазифаларни бажаради. Замонавий техника билан амалда хохлаган рельефни ҳосил қилиш мумкин. Рельеф яшаш ховлилари, болалар рекреация майдонларини чанг, шовқин, шамолдан ҳимоя қилиб микроиклим ҳосил қилади. Геопластика ўзининг структуравий лойихасига кўра ғорлар ва кутилмаган композициялар элементлари киради.

Зина ва пандуслар шу ўринда жуда муҳим аҳамиятга эга. Боғ ва паркларда қулай ҳаракатланиш учун зинапоя ва пандуслар қилинади. Пандуслар одатда 8% қиялик остида бўлади. Зиналар эса қиялиги 10% дан кўп бўлган жойларга (1 метрдан ошса) лойихаланади.

Парк зиналари асосан бир рельефдан иккинчисига ўтишда қўлланилиб боғларга ўзига хос кўриниш беради. Лойихалашда зиналарнинг боғга ёки паркга нисбатан ўлчам ва пропорцияларни тўғри олиш жуда муҳим.

Зиналар ўз навбатида:

- асосий (эни 10 метр)
- иккинчи даражали (2.5м дан 8метргача)
- сўқмоқли (эни 2.0 метр)

Зиналар қурилишида бир қоида мавжуд. Иккита зина узунлиги қўшилган зина эни одам қадамига тўғри келиши керак. Боғ зиналари узун қилинмаслиги керак. Уларни эса бетонли плита, ғишт, тахта, тоғли тошлардан қилиш мумкин (51-расм) [26].

3.5. Мўъжаз меъморий шакллар, ташқи ободонлаштириш элементлари

Мўъжаз меъморий шакллар ва ташқи ободонлаштириш элементларига; скамейка ва ўриндиқлар, айвонлар, кўприклар, фавворалар, ховузлар, зиналар, пандуслар декоратив деворчалар, декоратив тош, табиий ва сунъий тўшамалар, ёғочдан бўлган декоратив шакллар, декоратив керамика, маҳобатли ва мўъжаз хайкаллар, беседкалар, кичик павильонлар, тўсиқлар, урналар, ёритгичлар, хайкаллар, мўъжаз композициялар, тасвирий ойна шакллари, реклама ускуналари ва шу каби элементлар киради.

Кўприкчалар – Кўприклар қарама-қарши томонларни бирлаштириб турувчи иншоот бўлиб, ландшафт архитектурасининг бир қисми ҳисобланади. Улар очик ва ёпиқ ҳолда бўлади. Кўприк ва кўприкчалар мўъжаз, бадиий безак сифатида ва функционал жиҳатдан қўлланилади. Кўприклар темир бетон, ёғоч ёки темирдан махсус ишлаб чиқилган

проектларга кўра қурилади. Боғларда кўпинча ўзига хос муҳит яратиш учун ҳам мўъжаз кўприкчалар қилинади.

Тўшамалар. Ландшафт композицияларида энг муҳим компонентлардан бири ҳисобланади. Маълумки, инсонлар юриш давомида тўшаманинг эстетик жиҳатига кўпроқ характерлидир.



52-расм. Боғ йўлакларининг тўшамаси.

Тўшамаларни қуйидаги турларга бўлишимиз мумкин:

- Сочилувчан йирик фракцияли материал;
- Табиий тўшама материаллар: тош, ёғоч, ғишт;
- Сунъий материаллар;
- Аралаш, бир неча типдаги материаллар;

Бир бутун текис тўшама ҳосил қилувчи, бир-бирига жипс ёпишиб турувчи монолитли ёки алоҳида плиткали тўшамалар катта майдонлар, проспектлар, кўчалар, аллеяларда қўлланилади. Алоҳида турувчи (тош, ёғоч, ғишт) тўшамалар асосан скверлар, иккинчи даражали аллеялар, мўъжаз боғлар, дам олиш жойлари, шахсий ховлиларда ва паркларда қўлланилади (52-расм).

Мўъжаз ховузлар – боғ, хиёбонларга енгиллик, тириклик бағишлайди. Агарда мўъжаз ховузлар ўсимликлар, чиройли балиқлар билан лойиҳаланган бўлса, ҳар доим диққатни ўзига тортади. Лойиҳалашда ховузча ўлчамини атрофидаги майдонга нисбатан 1/6-1/10 дан кўп бўлмаслиги керак. Ховуз суви ерга ютилиб кетмаслиги учун 40-70см гача қазилиб, 10см бетон қатлами, кейин арматура устидан яна 10см бетон қуйилади. Агарда сиз кўлмакча қилмоқчи бўлсангиз ўлчамлари 0.5 м 2 дан 4м2 ва чуқурлиги 30-60см бўлиши керак (53-расм) [24].



53-расм. Богдаги ҳовузча ва кўлмакча турлари.

Ёритгичлар. Қиш мавсумида кеч қуёш чиқиб, эрта кун ботади. Шунинг учун ҳам деярли ярим йил боғингиз гўзаллигидан баҳраманд бўлолмайсиз. Ҳозирда ана шундай муаммоларни ҳал қилиш учун махсус мўъжаз беъжирим ишланган ёритгичлар мавжудки улар боғингиз чиройига чирой қўшиш билан бирга, бутун оилангиз хавфсизлигини таъминлайди. Кечки ёритилиш дизайнерларнинг соя ва текстурадан фойдаланиб ижод қилишига ёрдам беради. Боғ ёруғлигини 12 вольтли электр токи бутун оила учун хавфсиз ҳисобланади [30].



54-расм. Декоратив боғ ёритгичлари.

Скамейка ва айвончалар.

Мўъжаз меъморий шакллар ичида скамейкалар энг кўп ишлатилади. Улар қимматбаҳо бўлмаслиги ва шакли, ранги атроф муҳитга мос келмоғи лозим. Улар 3 турга бўлинади: -болалар ва катталар учун, -узоқ вақт дам олиш учун, -қисқа вақт дам олиш учун. Болалар учун баландлиги 25смдан 35смгача эни 22смдан 30смгача бўлиши керак. Катталар учун

а) паст-35...45см; б) ўрта-40...45см; в) баланд- 45...50см, энига 40дан 80...90смгача бўлиб, узок вақт дам олиш учун мўлжалланган ўриндиқлар суянчиқли, қисқа вақт дамолиш учун қўйилганлари суянчиқсиз бўлишлари мумкин. Улар тош, ёғоч, ғишт, темир, бетон, пластмассалардан қилинади. Энг яхши материал бўлиб hozirгача ёғоч тавсия қилинади. Скамейкалар боғнинг асосий кириш жойидан то серсоя бурчакларигача қўйилиб чиқилади. Қўпол ясалган скамейка боғ хуснини бузади. Чиройли ясалган ва боғ услубига мос келган ўтиргичлар боғ хуснига хусн қўшиб, янада бой қилиб кўрсатади. Шунинг учун ҳам скамейка ранги, шаклига алохида ёндашиш керак. Шакли ва қўйиладиган жойи тўғри танланиши жуда муҳим (55-расм) [18].



55-расм. Айвонча ва ўриндиқларнинг жойлашуви.

Урналар – утилитар аҳамиятга эга. Улар озодалик ва тартиб сақланиши керак бўлган жойларда кўпроқ ўрнатилади. Уларнинг шакли оддий геометрик бўлмоғи керак. Урналар одатда 2 қисмдан атрофи ва ахлат челагидан иборат бўлади. Оболочки металл, бетон, керамикадан ишланади. Асосан ўтиргичлар ёнига, асосий ва иккинчи даражали аллеяларга жойлаштирилади (56-расм).



56-расм. Металлдан тайёрланган урна.

Тўсиқлар – (трельяж) енгил тўсиқли вертикал деворча (темир бетон, металл ёки ёғочдан қилинади). Бу асосан лианлар учун каркас вазифасини бажаради. Декоратив яшил девор, фонтанлар, хайкалларга фон тарзида, тўсиқ ва дам олиш майдонининг изоляцияси, ниқоблаш, кўримсиз жойларни бекитишда лойihalовчи учун ажойиб элемент хисобланади. Унинг баландлиги 2.5дан 4м гача бўлади (57-расм) [16].



57-расм. Ёғочли тўсиқлар. Уларни лианлар учун ҳам қўлласа бўлади.

IV-БОБ. Ландшафт архитектураси объектларини лойихалаш билан боғлиқ масалалар

4.1. Ландшафт архитекторларининг фаолият турлари

Ландшафт архитектураси объектларини лойихалашда нафақат қўйилган муайян мақсад ва вазифаларни тўғри тушуниш, мутахассисликка доир чуқур назарий билим ва амалий қўникмаларга эга бўлиш, балки ўз мутахассислигининг мазмуни, моҳияти ва тарихий тараққиёти, шу кунгача бу соҳада орттирилган тажриба ва ютуқларни ҳам пухта эгаллаш зарур бўлади. Ўтмишда яратилган ландшафт архитектураси объектларини лойихалаш ва қуришда аجدодларимиз эришган меъморий-режавий, бадиий-композициявий, техник ечимлар ва услубларни ўрганиш, уларга таяниб олға қараб силжишда муҳим аҳамият касб этади. Ана шу нуқтаи назардан жаҳон ландшафт архитектурасининг қадимда, ўрта асрларда, янги даврда орттирилган тажриба ва ютуқларни билиш ҳам фойдалидир. Бундан ташқари, ландшафт архитекторлари дендрологияни, агротехникани, меъморий композиция ва рангшунослик асосларини яхши тушунишлари зарурдир.

Ландшафт архитектори шуғулланадиган соҳалар турли-тумандир. Умуман олганда, маълумки архитектура инсоният ҳаёти, яшаши, меҳнати ва дам олиши билан боғлиқ ёпиқ, қисман ёпиқ ва очик муҳитларни яратиш ва шакллантириш билан шуғулланади. Ёпиқ ва қисман ёпиқ муҳитларга турли хил бино ва иншоотлар, шу жумладан ер усти ва ер ости иморатлари ва бошқалар кирса, очик муҳитларга кўчалар, майдонлар, яшаш ва иш жойларидаги очик масканлар, боғлар, скверлар, хиёбонлар, сохиллар, миллий истирохат ва махсус парклар, тарихий ландшафтлар, ички ховлилар ишлаб чиқариш ва саноат биноларининг очик ҳудудлари ва шунга ўхшаш шаҳарсозликка хос бошқа очик муҳитлар киради. Агар архитекторлар ёпиқ ва қисман ёпиқ муҳитлар (бино ва иншоотлар) ва шаҳарлар яратиш билан

шуғуллансалар, ландшафт архитекторлари айнан очик мухитларни яратиш: лойихалаш ва шакллантириш билан шуғулланади.

Агар архитектор ёпиқ ва қисман ёпиқ мухитлар-иморатлар (бино ва иншоотларни) лойихалаш ва қуришда турли хил қурилиш материаллари ва қурилмалари (ғишт, бетон, темир бетон, ёғоч, ойна, синч, тент, хажмли блок қурилмалари) оболочкаларни қўлласа, ландшафт архитектори ўз объектлари-очик мухитларни яратишда табиий элементлар (ўсимликлар, сув, рельеф) ва сунъий элементлар (мўъжаз меъморий шакллар, ташқи ободонлаштириш элементлари, тўшамалар, сув қурилмалари, декоратив хайкаллар, тасвирий ойна шакллари) дан фойдаланади. Архитектор ва ландшафт архитектори орасидаги умумийлик шундаки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз объектларини яратишда бадиий-композициявий воситалар: ритм, контраст ва нюанс композициянинг яхлитлиги ва мутаносиблиги (пропорционаллиги) каби қонуниятларни ижодий қўллайдилар (58-расм).



58-расм. Ландшафт архитекторларининг фаолият турлари

Ландшафт соҳасига доир хорижий адабиётларда қуйидаги касбий атамалар, тўғрироғи ландшафт йўналишининг бир-бирига боғлиқ бироқ, алоҳида ижодий соҳалар шаклланган:

- ландшафтни режалаштириш;
- ландшафт архитектураси;
- ландшафт дизайни;

Ландшафт режалаштириш ўлка ва минтақа миқёсида табиий ландшафтларни сақлаб қолиш, янгиларини шакллантириш, қўриқлаш ва

фойдаланишга доир умумий муаммолар билан шуғулланади. Бу сохага хос хусусият шундаки, у жуда кенг ва катта худудларнинг ландшафт мухитини шакллантиришга доир ишларга йўналтирилган бўлади.

Ландшафт архитектураси объектларининг кўлами эса нисбатан кичик худудларга эга, у аҳоли пунктлари, шаҳарлар ва улар атрофидаги очик мухитни шакллантириш билан боғланган. Бироқ кейинги даврларда ландшафт архитекторларининг фаолият доираси кун сайин кенгайиб бормоқда. Шаҳар очик мухитлари, объектлари шакллантиришдан тортиб, то кенг масштабли миллий боғлар, халқаро миқёсдаги кўргазма парклар, бузилган ландшафт мухитларини замонавий ландшафт объектлари функцияларга мослаштириш, тарихий боғ-саройларни қайта тиклашгача бўлган турли хил вазифалар ландшафт архитекторлари зиммасига юкланмоқда. Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, келажакда ландшафт архитекторларининг нуфузи янада ошиб боради. Ушбу вазифаларни ечишда ландшафт архитекторлари биринчи навбатда эстетик, эколого-гуманистик талаблар ва ижодий қонуниятлар асосида иш юритмоғи керак бўлади. Очик мухитлар объектларини яратишнинг функционал ва техник томонларини эътиборга олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги вақтларда ландшафт архитектурасининг объектлари муайян жой, рельеф, микроландшафт ва мухитга оройиш бериш элементлари билан боғлиқ эргономик функционал ва техник масалаларни ечишда ландшафт дизайни алохида ижодий йўналиш тарзида шаклланган.

Ландшафт дизайни ушбу масалаларни ечишда манзаравий кўкаламзорлаштириш, флора ва фитодизайн, геопластика, мўжаз меъморий шакллар, декоратив тўшамалар, ташқи ободонлаштириш элементларидан фаол фойдаланади. Унинг асосий мақсади архитектура объектларини ташқи очик мухит билан гармоник боғлаш, мухитнинг сунъий ва табиий элементлари орасида уйғунликни таъминлаш, ҳар қандай микро мухитни бадиий-эстетик, эргономик функционал талабларга мос ва хос тарзда яратишдир.

Ландшафт дизайнининг объектларига нафақат кўча ва майдонлар, мўжаз дам олиш худудлари (скверлар, бульварлар, сохиллар, тротуарлар), турли мақсадларга мўлжалланган парклар, тураржойлардаги хўжалик, спорт ва бошқа майдончалар, балки жамоат биноларининг интерьерлари табиий ландшафт элементларини, ички мўъжаз боғларни, ички ховлиларни яратиш ҳам киради.

Флора ва фитодизайн сунъий шаклланган меъморий мухитни турли хил ўсимликлар, флора ва фитокомпозициялар ёрдамида жонлантириш мухитни бойитиш, ички ёпиқ мухитга табиат элементларини олиб кириш масалалари билан шуғулланади. Флоракомпозиция инсоннинг эмоционал ҳолатларига ижобий таъсир қилади, уларнинг ҳаётий тонуси ва кайфиятини оширади. Фитокомпозиция (“фитонцидлар” сўзидан олинган), бундан ташқари мухит микроиқлимини яхшилаш ва уни соғломлаштириш самарасига ҳам эгадир (59-расм).



59-расм. Офиснинг фитодизайни

Шундай қилиб, ландшафт архитектори ва ландшафт дизайнерининг асосий вазифаси инсон фаолияти ва ҳаёти билан боғлиқ очик ва ёпиқ мухитларни бир-бирига уйғунлаштириш, уларни функционал экологик, эргономик ва эстетик талаблар асосида шакллантириш ҳар қандай мухитнинг фойдаланишга қулай ва ёрқин бадиий образини яратиш ва шу йўл билан инсон кайфиятини оширишга ва яхшилашга хизмат қилишдир [17].

4.2. Ландшафтни композициявий режалаш (мунтазам ва эркин табиатли)

Ландшафт дизайни бўйича лойиҳалар қоида бўйича ишчи чизмалар асосида бажарилади. Ишчи чизмада аниқ ўлчамлар бўлмасада у асосан мухит

шакл элементлари дизайни ва бадий, эстетик жихатларни кўрсатади. Буюртмачининг хоҳишига кўра, чизманинг бутун бир комплекси ишлаб чиқилади. Буларга ортогональ, аксонометрия, перспектива ва макет кўринишлари киради (60-расм).



60-расм. Буюртмачи учун ишланган ҳовли боғининг макети (кечки ёритиш усули билан).

Буюртмачининг моддий ахволидан келиб чиқиб, чизмада турли материаллардан фойдаланилади. Шунини айтиб ўтиш керакки, ҳозирда компьютер графикасидан кенг қўлланилмоқда, лекин архитекторларни амалда яхши ўрганишлари учун барибир ҳам анъанавий – чизиқли графика, аппликация, фотомонтаж ва рангда ишлаш турларини ўзлаштириши, билишлари керак.

Ландшафт дизайни объектларининг чизмалари аниқ, тушунарли, қурувчиларга керакли бўлган ҳамма ўлчам ва тавсифномалар бўлиши, масштаблари қонуният бўйича яъни 1:500; 1:200; 1:100; 1:50 каби ўлчамларда бажарилиши



61-расм. Боғнинг рангдаги эскиз чизмаси.

шарт. Ландшафт архитектори дизайнери бевосита буюртмачи билан муомала қилишига тўғри келади, унинг психологиясини тушунган ҳолда чизмаларни рангда тушунарли қилиб, дастлаб “эскиз” (хомаки чизма) кўринишида

кўрсатиш яхшироқ бўлади. Эскиз – бу лойихаловчининг “ошхона”си хисобланиб, лойихани бажарилишидан олдин умумий кўрсатиб беришда ёрдам беради

(61-расм) [15].

Архитектор дизайнер булардан ташқари амалиётда обмер қилишни ҳам билиши талаб қилинади. Бу унинг чизиш даврида ҳар бир элемент ва мавжуд нарсаларни ўлчамларини билган ҳолда ёндашишга ёрдам беради.

Лойиҳалар қуйидагиларга бўлинади: ишчи, хомаки, обмерли, ўқув ва демонстрацион.

4.3. Лойиҳалашда қабул қилинадиган шартли белгилар



Ландшафт архитекторлари лойиҳа қилганда ҳар бир ландшафт элементлари, усимлик турлари, бино, иншоот, транспорт йуллари, сув хавзалари, йулаклар, майсазорлар, гулзорлар нимаики лойиҳада булса буларнинг барчасини шартли белги сифатида лойиҳа четида курсатади. Ҳар бир лойиҳачининг уз услуби булганидек шартли белгилар ҳам турлича бўлади. Яъни бунда аниқ бир стандартда эмас балки, лойиҳачининг хоҳишига қараб белгилаб чиқилади.

Лойиха четига шартли белги ва бу нимани англатиши хакида изох ёзилади. Ландшафт архитекторлари шу тарика лойихаланиб, буютмачига тушунарли килиб курсатади.

Буларга мисол сифатида 62 расмга ва 4-жадвалга назар ташлашингиз мумкин. Шунга эътибор бериш керакки лойихада хар бир дарахтга турига караб алохида белги чизилади ва катталигини нисбати олиниб лойихада курсатилади. Лойихада факат дарахтлар лойихаланган булса Дендро лойиха деб аталади. Дендро лойихалар ва уларнинг таркибий қисмлари.

Дендрологик режа бош режа асосида ва масштабда бўлади. Бу чизмада асосий лойиха чизиғи билан нина баргли ва баргли дарахт ва буталар:

массив, гурух, солитер дарахтлар ва гулзорлар кўрсатилади. Бир турли гурух дарахтлар, массивда қаторли ўтказмада одатда нуқта ва чизиқлар билан туташади. Шу билан бирга ёнида дарахтлар сони, жойи ва турлари кўрсатилади (63-расм) [18].



63-расм. Лойихалада дарахтларнинг график кўрсатилиши:
1, 2, 3, 4 - график чизманинг босқичи ва тартиби

4-жадвал.

Ўсимликларнинг шартли белгилари:



Қайин (береза)



Рябина



Мажнунтол (ива)



Терак (тополь)



Акас (акация)



Заранг (клен)



Баргли буталар



Нинабаргли дарахтлар



Нинабаргли буталар



Гурух қилиб ўтқазилган нинабаргли буталар



Изгород



Бир ва кўп йиллик гулзорлар



Папоротник




Майсазор




Вертикал кўкаламзор

А



Б



Тавсия этилган ўсимликларнинг режада кўрсатилиши:

А- солитер турларининг кўриниши; Б- ландшафт гуруҳларга мисоллар

4.4. Паркларни лойиҳалашда қилинадиган ишлар

Лойиҳа олди ишлари – ландшафт лойиҳалаш тадбирлар мажмуаси бўлиб, лойиҳадан тортиб, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришгача бўлган барча амалларни ўз ичига олади. Лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларидан иборат бўлиб, участка ҳақидаги чизмалар, ҳудуд режаси, мавжуд ва режалаштирилаётган қурилишлар тарзи, молиявий хужжат ва бошқаларни қамраб олади.

1. **топографик съёмка** – ундаги ўсимликлар ер рельефи ҳақидаги маълумотлар топографик режасига киритилиб шу асосда инженерлик ишлари бажарилади.
2. **ҳолат режаси** – барча мавжуд бинолар, йўллар, марказий коммуникациялар киради.
3. **мавжуд коммуникация режаси** – ҳамиша алоҳида ҳолатда тузилади ва шу хужжат асосида йўллар, зинапоялар, катта дарахтлар экиш лойиҳаланади.
4. **тупроқнинг таркиби таҳлили (агрохилик кўрсаткичлар)** – маълум ўсимликни экиш учун яроқлилигини аниқлаш учун ҳар томонлама тадқиқот ўтказиш. Бунда ернинг маданли таркиби, унумдорлиги, механик таркиби бўйича тест ўтказилади. Ўтказилган таҳлил асосида мавжуд грунтдан тўлиқ фойдаланиш ёки бутунлай ўзгартириш лозим бўлади.
5. **ҳудуднинг гидрологияси** – грунт сувларини ўрганишдир. Йиллик режаси, чуқурлиги, сатҳнинг ўзгариши, ботқоқлик даражаси ва хоказолар. Бу текширишлар ўсимликларни танлашда ва участкаларга тақсимлашда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, бу таҳлил асосида капитал капитал қурилишда, дренажли йўллар очишда, кичик меъморий шаклларни жойлаштириш ва зинапоялар ўрнатишда қўлланилади.

6. **мавжуд ўсимликлар дунёсини рўйхатга олиш** – барча ўсаётган ўсимликларни рўйхатга киритиб, улардан фодаланиш. Яъни режага киритиб, лойихага мослаштириш.

7. **инсоляция таҳлили** – майдонни куннинг турли қисмидаги маҳаллий ёритишни ўрганиш. Бутун мажмуа асосида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини, яъни тўшамаларни ўрнатиш, клумбларни тақсимлаш, гулларни экиш даври ва уларни ўстиришни ташкил этиш, болалар майдончаси ва дам олиш зонасини ташкил этиш.

Ландшафт дизайни элементлари. Боғ яратишда биз эътиборни алоҳида детал ва элементларга қаратамиз. Худди мана шу нарса бизнинг лойихаларни ўзига хос бошқаларга ўхшамайдиган қилади. Арзимаган нюансларга эътибор бериб, умумий яхлит манзарани ҳосил қилиш мумкинки, бу боғ соҳиббининг индивидуаллигига урғу беради.



Эскизли лойихалаш. Ҳар бир киши тахминан нимани истагини билади. Аммо, ҳамма ҳам уни аниқ тасаввур эта олмайди. Ортиқча деталларни қўйиб юбориш, аралаштириб юбориш, чигалликка олиб келади. Бундай муаммолардан қутулиш учун, энг яхшиси, дизайн мутахасисини

таклиф этиш лозим. У сизнинг фикрингиз асосида қисқа вақт ичида бир неча эскизлар тайёрлаб келади. Сиз олдиндан боғингиз режасини кўрасиз, агар сизга бирор қисми ёқмаса тезда тузатиш киритасиз. Зеро шошилишчи курилмани бузишдан кўра, уни қоғоздаёқ тузатган маъқул. Айниқса, уйингиз интерьерига берилган ландшафт лойиҳасининг “уйғунлашуви” муҳим аҳамиятга эга. Фитокомпозиция тузиш, шунчаки ховлингизни нарсалар билан тўлдириш эмас, балки гўзаллик яратишдир. Шунингдек, конструктив муаммоларни ечишда ҳам (электр ўтказиш, вентиляция, канализация) бир лойиҳачи билан ҳамкорликда амалга оширилади. Бу этапда ер майдонининг асосий концепцияси (ғояси) ишлаб чиқилади. Қатор техник факторлар бўлган автоматик суғориш ҳам эстетик дид билан жойлаштирилади. Яъни материал танлашда ёритгичларнинг ранги, шакли ва ўлчамини тўғри танлаш лозим (64-расм).

Форэскиз. Ер участкасининг юқоридан кўринадиган тархи бўлиб, фаолият вазифаси бўйича зоналарга бўлинади. Ушбу режага болалар майдони, дам олиш зонаси, яшил зона, йўлақлар ва сув хавзалари киради.


Асосий кўриниш нуқталарининг қисқартма расмлари. Бу дизайнернинг усталигини кўрсатувчи алоҳида дизайн ечими ва унинг сифатига эга бўлган хужжат бўлиб, бўлғуси манзара ҳисобланади. Масалан: уйдан кўриниш, киришдан кўриниш, кўшкдан, йўлақдан кўриниш ва бошқалар. Бу ҳолат композициявий жиҳатдан баъзи бир назардан четда қолган қисмларини кўрсатишда жуда муҳимдир.

Алоҳида эскизлар. Асосан кичик меъморий шакллар бўлиб, алоҳида эътиборни талаб этади. Бунда эскизларни (баҳор, ёз, куз) мавсумлари бўйича бажариш, масалан, альпинарий ва альпий тоғчаларини каскадлар билан ҳамоҳанг лойиҳаланади. Тик кўкаламзорлаштиришда композицияга хайкал қўшиб қўллаш, алоҳида ностандарт элементлар учун лойиҳа бажаришни тақозо этади.

Лойихалаш усуллари


• МУНТАЗАМ

РЕЖАНИНГ
ГЕОМЕТРИК СЕТКАСИ,
МАЙДОН, ГУЛЗОР,
СУВ ХАВЗАЛАРИНИНГ
ТЕКИС КОНТУРИ




• МАНЗАРАЛИ

РЕЖАНИНГ
ЭРКИН СЕТКАСИ,
ТУПРОҚЛИ ЙЎЛАКЛАР,
МАНЗАРАЛИ СУВ ХАВЗАЛАРИ
ВА БОШҚАЛАР



• АРАЛАШ

МУНТАЗАМ ВА
МАНЗАРАЛИ УСЛУБ
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ
УЙҒУНЛИГИ



ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР:

-  ЎТИРГИЧ
-  ПЕРГОЛА
-  НИНАБАРГЛИ ДАРАХТ
-  БАРГЛИ ДАРАХТ
-  МАЙСАЗОР
-  ПЛИТКАЛИ ТЎШАМА
-  ВЕРТИКАЛ КЎКАЛАМЗОР

ЖАМОАТ БИНОСИ ОЛДИДАГИ МЎЪЖАЗ БОҒНИНГ АРХИТЕКТУРАВИЙ-ЛАНДШАФТ ЕЧИМИ

Шу жумладан компютерда бажарилган 3Д эскизларни ҳам беришингиз мумкин. Бу 3 ўлчамли моделда эскиз янада яққол кўринади. Бундан ташқари, бу лойихага тезлик билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш имконини беради. Аммо, барибир қўл меҳнати билан ишланган эскиз ифодавийлиги билан ажралиб туради (65-расм) [27].

Лойиҳаолди ишларидан
сўнг, эскизларни бажариб
бўлгач, ишни амалда
бажариш бошланади. Бу
босқичда дизайнер барча
ишчи лойиҳаларни
бажаради, бу асосда
қурилиш,
кўкаламзорлаштириш ва
ободонлаштириш бўйича
барча ишлар амалга
оширилади.



Чизмалар чизиш учун режалар ва эскиз лойиҳалар асос вазифасини бажаради.

1. Бош режа.
2. Дендроплан (ассортимент рўйхати ва экиладиган ўсимликлар тури ва сони ҳақидаги илова билан) участкани кўкаламзорлаштириш тархи.
3. Режанинг ёйилма чизмаси — мавжуд қурилаётган иншоот чизмаси, йўлаклар ва КМШларни ўзаро узвийлиги билан.
4. Йўл қопламалари ва девор (конструктив қирқими билан)
5. Тўшамалар безаклари, декоратив расмлари.
6. Экиш чизмаси (дендроплан асосида тузилган) ҳар бир дарахт ўрнини аниқ белгилаш.
7. Иш ҳажми рўйхати
8. Ишнинг тақвимий режа-графики (маълум ер участкасидаги ишнинг бошланиши ва тугашгача бўлган жараён)

9. Смета (қурилиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича) барча ашёлар, ишлар ва транспорт харажатларни ўз ичига олади.

10. Тушунтириш хати.

Юқоридаги келтирилган ҳужжатлар тартиби шахсий ҳолатга асосланади, шу сабабли ҳужжатлар рўйхатига қўшимчалар киритиш мумкин. Бу буюртмачининг истаги асосида бажарилади (66-67-расмлар) [27].



66-расм. Дендроплан кўрсатилган бош режа чизмаси (3Д программасида бажарилган).

Лойиха олди ишлари

- Худудни тик лойихалаш
- Катта ўлчамли ўсимликларни экиш (қиш- баҳор мавсумида)
- Коммуникация ишлари (электр, сув, автоматик суғориш)
- Йўлларга тўшамалар ётқизиш ва кичик меъморий шакллар қўйиш
- Пойдевор, сув хавзаси ва ирмоқларни ўрнатиш
- Йўллар ва кичик меъморий шаклларнинг безак ишлари.
- Ёритиш элементларининг монтажи
- Ўсимликларни ўтқизиш
- Якуний монтаж ва суғориш тизимини созлаш
- Гулдонларни ўрнатиш
- Ер тўшамаларини ўрнатиш (газон)

Ландшафт ишларини бошлашдан аввал қўлда ландшафт лойихаси, яъни худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишчи хужжатлари бўлиши керак.



67-расм. а-Япон боғининг ландшафт режаси; б- Шаҳар кўкаламзорлаштириш макети.

Ландшафт лойиха ишларини бажариш тавсифига кўра, лойихага қўшимча бўлимлар киритиш мумкин.

1. Тик лойихалаш режаси. Участка рельефи баландликлар ўлчови билан.
Бу режа асосида тарновлар лойихаланади.
2. дренаж тизими лойихаси
3. электр жихозлаш ва ёритиш лойихаси
4. автоматик суғориш лойихаси
5. сув хавзаси лойихаси (ховуз тархи, перспективаси, қурилма қирқими, тавсифнома)
6. кичик меъморий шакллар; эскизи, чизмаси, алохида элементлари билан
7. батафсил ишлаб чиқилган лавҳалар (гулдонлар, альпинарий лавҳалари)
8. алохида ландшафт элементлари перспектив расмлар (эскизлар) болалар ва спорт майдончалари, дам олиш жойлари [27].

4.5. Ландшафт архитектурасида сув ва сув объектлари композициялари

Хеч бир нарса сув овозидек (фонтан каби) боғингизга жаннатнамо тус бера олмайди. Сув дунёсига сув билан боғлиқ бўлган барча шакллар кириб, улардан Ландшафт Архитектурасида табиий ва сунъий кўринишларда фойдаланилади. Табиий кўринишлардаги турларига табиий кўллар, прудлар, дарёлар, йирик сув хавзалари, шаршаралар кирса, сунъий турларига фавворалар, шалолалар, шаршаралар, сунъий кўллар, аквапарклар, бассейнлар, ховузлар ва бошқа сув шакллари ва иншоотлари киради. Мақсад сувдан кишига эстетик завқ бағишловчи, муҳитни чиройли, шинам ва табиийликка яқин қилиш, унинг микроклимини ошириш ва инсоннинг дам олишига яхши ва дилкаш мухит, шароит яратишдир. Уларга фонтанлар, бассейнлар, каскадлар, шаршара, канал, оқим ва кўлмакчалар киради.




68-расм. Сув объектлари ва фаввора турлари.


Фаввора - фаввора ускуналари функционал жиҳатдан оқланган. Улар ҳавони салқинлаштириб тозалайди ва жойга пейзажли кўриниш беради. Фавворалар ташқи кўриниши оддий меъморий услубдан то ўта ҳашаматли, мўъжаз хайкаллар билан бўлиши мумкин. Фавворанинг асосий элементи бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: уларнинг баландлиги ва қиялиги, сочма усуллари, хар-хил нисбатлар. Фаввора 2 асосий турга бўлинади: оқувчи, сув тузилиши асосий мўъжаз элемент ҳисобланади ва хайкалтарошлик ёки декоратив формалар билан уйғунлаштирилади.

– Нурлимусиқавий фаввора ўз ичига 4 компонентни олади; сув динамикаси, ранглар хар-хиллиги, ранг ва мусиқа – бу ҳаммаси биргаликда эсда қолар даражада тассурот қолдиради (68-расм) (6-7-жадвал) [14].

6-жадвал.



Фавворалар хилма хиллиги бўйича чегарасиз. Шунинг айтиб ўтиш керакки, фавворанинг техник ускуналари, мураккаб муҳандис ускуналари, сув қувурларини ташкил қилади. Фаввора катталигига қараб унинг композицияси яратилади. Лекин ҳар доим ўзига эътибор тортувчи роль ўйнамоғи кераклигини ёддан чиқармаслик керак. Фаввора боғда доминант, акцент сифатида ишлатилиши лозим (69-расм).




70-расм. Каскадли фаввора. Самарқанд.

бўлади (70-расм) [27].

Каскадлар – бир неча кичик сув хавзаларининг турли сатҳда жойлашувидир. Бунда сув оқими “косадан-косага” юқоридан-пастга секин-аста оқиб тушади.

Ушбу сув хавзаларини боғнинг услубий жиҳатларига қараб исталган жойга жойлаштириш мумкин. Техник жиҳатдан, каскад мураккаб ва аниқ гидротехник қурилма бўлиб, ёпиқ циклдаги иншоотдир. Унинг қурилиш жараёни бошдан охиригача махсус мутахассислар томонидан бажарилиши лозим

Фаввораларни сунъий ёритилиш услублари



Ландшафт дизайни элементларининг номенклатураси ва ёритиш усуллари

Умумий хулоса ва таклифлар

Илк боғлар дастлаб иссиқ ўлкаларда вужудга келган (Миср, Оссурия, Бобил, Олд Осиё, Эронда). Тарихда Шарқ мамлакатларида «қўриқхона», “парадиз”, “чорбоғ”, “чорчаман” каби боғлар мавжуд бўлиб, ҳукмдорлар томонидан хусусий боғлар яратилган. Демак изланишлар натижасида аниқ бўладики, ландшафт архитектурасини беш қисмга ажратиб ўрганилади:

1. яшил дунё
2. сув дунёси
3. ҳайвонот дунёси
4. жой рельефи
5. ташқи муҳитни ободонлаштириш элементлари

Дунёнинг етти мўъжизасига кирган (Миср эҳромлари, Семирамида боғлари) мунтазам боғлар ландшафт меъморчилигининг вужудга келишида илк манба ҳисобланади.

Ўрта асрлага келиб Амир Темур ва темурийлар даврида ўзига хос ландшафт меъморчилиги юзага келиб, ҳар бир ўсимликларнинг гуллаш давомийлиги мавсумига хос (боҳор, ёз, куз) режавий композициялар тузилган бўлиб, улар “чорчаман”, “чорбоғ”, “гулбоғ” деб номланган.

Миллий боғлар бадиий образни тарихий-миллий рамзларни қўллаш орқали яратилади. Уларнинг меъморий-режавий ечимлари асосан икки катта гуруҳга бўлинади: “мунтазам” ва “манзарали”.

Мунтазам боғлар – Шарқда- чорбоғ, Ғарбда- италия боғи, француз боғи, испан мавритан боғи-деб юритилади.

Манзарали боғларга – япон боғи, хитой боғи, инглиз боғлари киради.

Ландшафт меъморчилигининг энг йирик объеклари куйидагича таснифланади: парклар, скверлар, хиёбонлар, бульварлар, қўриқхоналар, пляжлар, сохиллар, шаҳар майдонлари, сув хавзалари. Парклар кўп функцияли ва махсус паркларга бўлинади. Махсус парклар ўз навбатида дам олиш (рекреацион) парклари, илмий оқартув парклар, мемориал парклардан

иборат. Улар шаҳар худудида, шаҳар четларида ва шаҳардан ташқарида ташкил этилади.

Аҳоли яшаш пунктларида ва маҳаллаларда бугунги янги ечимдаги “мўъжаз-декоратив” боғлар вужудга келмоқда. Уларга қуйидагилар мисол бўла олади: болалар боғи, услубий боғлар, оилавий боғлар, реьефли боғлар, алпинарийлар.

Шу ва бошқа боғ- паркларни ташкил этишда қўлланиладиган ўсимликлар ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳар бир иқлимий ҳудудда фақат ўзига мос бўлган ўсимликлар экилади.

Боғлардаги дарахт ва буталар қуйидагича ландшафт композицияларидан тузилади: 1. солитер (якка ҳолатда) –акцент, доминант;

2. гуруҳ (оддий ва аралаш гуруҳ) –массив;

3. қаторак (аллея) – бир ёки бир неча қатор;

4. массив (ғужум) – ўсимликларнинг ранги, тури ва шаклига қараб тузилади;

5. кузалган сунъий яшил композициялар (яшил тўсиқ, яшил девор, яшил кабинет, боскет) – оддий ва мураккаб геометрик шакллардан тузилади.

Юқоридаги ландшафт композициялари учун турли хил манзарали, мевали дарахтлар, буталардан фойдаланиш мумкин.

Демак, ўз навбатида ушбу композицияли ўсимликлар экологик жиҳатдан қуйидаги ҳимоя вазифаларини бажаради:

1. шовқиндан;
2. зарарли газлардан;
3. чанглardan;
4. шамолдан;
5. қуёшдан;
6. ихота.

Ландшафт меъморчилигининг энг нафис элементи ҳисобланган гуллардан қуйидаги гулзор композицияси тузилади:

- гулзорли партьерлар;
- клумба ва рабаткалар;
- пейзажли гулзорлар;
- гулли массив;
- махсус гулзор.

Ландшафт меъморчилиги текислик ва нотекисликларда ташкил этилиб, рельефлар- “табiiй” ва “сунъiiй” қияликлар, тепаликлар, чуқурликлар, қояликлардан тузилади. Ушбу рельефли композициялар, айниқса, ўзига хос тароватга эга бўлиб, ажралиб туради.

Хозирга келиб, ҳар бир мамлакатда ўз муҳитига, ўсимлик дунёсига мос равишда ландшафт дизайни тараққий этган, “ландшафт меъмори”, “ландшафт дизайнери” каби соҳаларда махсус кадрлар тайёрланмоқда.

Ушбу долзарб йўналиш бугунги кунда талаб даражасида эмаслиги сабабли, олий таълим муассасалари, янги таълим йўналишлари ва бўлимлари очилган.

Хулоса қилиб айтганда, ландшафт меъморлари ва дизайнерларининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- очиқ ва ёпиқ яшил муҳитларни лойихалаш ва уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш;
- уларни функциявий ва эстетик, эргономик, экологик талаблар асосида ташкил этиш;
- бадиий муҳит яратишда инсоннинг эмоционал ҳолатларини ҳисобга олиш;
- инсонни табиатнинг бир бўлаги деб қараш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. **Каримов И.А.** Самарканд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида. Ўз.Р.ПҚ.(№ 426), 25 июль, 2006.
2. **Каримов И.А.** Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент-2007
3. **Каримов И.А.** Ватан барчамиз учун мукаддасдир.Т.: «Ўзбекистон» 1996.
4. **Каримов И.А.** «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Тошкент 2009.
5. **Каримов И.А.** «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қушимча чора-тадбирлар тўғрисида». Уз.Р.ПҚ. Тошкент. 2005.26-июл.
6. **Каримов И.А.** Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўз.Р.ПҚ. (№85), 30 апрель, 2008.
7. **Каримов И.А.** Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-том, -Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
8. **Каримов И.А.** Бунёдкорлик йўлидан. 4-том, -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
9. **Абдураимов М.А.** “Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве” Ташкент: “фан” 1966.
10. **Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар Наршахий.** Бухоро тарихи. Тошкент 1966.
11. **Адилова Л.А.** Ландшафт архитектураси. Ўқув қўлланма.-Т., 2002.
12. **Алимов Ў.** Ўрта асрларда мовароуннахрда боғчилик хўжалиги тарихи. Т.- 1984.
13. **Бондарь Ю.А., Абесинова Н.П., Никитина Е.Н., Сахаров А.Ф..** Ландшафтная реконструкция городских садов и парков.-Киев: Будивельник, 1982.
14. **Вергунов А.П., Денисов М.Ф., Ожегов С.С.** Ландшафтное проектирование. Учебник.- М., 1991.
15. **Вергунов А.П.** Архитектурная композиция садов и парков. -Москва:Стройиздат, 1980.
16. **Горбачёв В.Н.** Архитектурно- художественные компоненты озеленение городов. -Москва: «Высшая школа», 1983.
17. **Заллеская Л.С., Мукулина Е.М.** Ландшафтная архитектура. Учебник для вузов.- М., 1979.
18. **Крижановская Н.Я.** Основы ландшафтного дизайна. Учебник.- Роставна Дону, 2006.
19. **Мўминов И.М.** Ўзбек совет энциклопедияси. –Т., 1975.

20. **Неъматов Э., Ашуров Э., Мукумов И.** Очиқ майдондаги гулчилик. – Самарқанд., Суғдиёна нашриёти, 1997.
21. **Ожегов С., Уролов А.С., Рахимов К.Ж.** Ландшафт архитектураси ва дизайни.- Самарқанд., 2003.
22. **Петрушевский И.П.** “Земледелие и аграрные отношения в Иране XIII-XIV веков” академия наук ссср ленинград 1960.
23. **Сычёва А.В.**, Ландшафтная архитектура. Москва-2007.
24. **Хессайон Д.Г.** Все об альпинарии и водоеме в саду. Москва “Кладезь-Букс” 2003.
25. **Шкутко Н. В., Чаховский А. А.** Озеленение городов и населенных пунктов. Минск, изд-во «Наука и техника», 1965.
26. **Шешко П.С.**, Энциклопедия ландшафтного дизайна .-Минск «Современная школа», 2007.

Интернет сайтлари

27. <http://www.landstyle.ru/>
28. sad@sad.ru
29. <http://www.sadtorg.ru/>
30. www_uznature_uz.htm
31. www.Gardener.ru